КИРИБ КЕЛАЁТГАН ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ МУБОРАК!

Bank news

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

БАНК ХОДИМЛАРИ, ИШБИЛАРМОНЛАР ВА ТАДБИРКОРЛАР ГАЗЕТАСИ

1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда № 52 (555) 2006 йил 27 декабр



Барча муштарийлар ва ҳамкорларини яхшилик ва умид тимсоли бўлмиш Янги йил байрами билан самимий табриклайди. Республикамизда "Ижтимоий ҳимоя йили" деб эълон қилинган 2007 йил ҳар бир хонадонга муваффақият ва фаровонлик, сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, умидворлик ва тетиклик олиб кирсин. Ҳамма ишларингизда муваффақият ва омад ёр бўлсин. Янги йилда барчангизга унутилмас воқеалар ва қизиқарли учрашувлар, ижодий муваффақиятлар, саломатлик ва равнақ тилаймиз!

Таҳрир ҳайъати.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ КАПИТАЛЛАШИШ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Банк тизимининг барқарор ривожланишини, тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини оширишни, уларнинг инвестиция ва иқтисодиётни таркибий ўзгартириш жараёнларида фаол иштирок этишларини таъминлаш мақсадида:

1. Белгилансинки, 2007 йилнинг 1 январидан бошлаб 2010 йилнинг 1 январигача:

юридик шахсларнинг тижорат банклари акциялари бўйича дивиденд сифатида олинган даромадлари солиқ солишдан озод қилинади;

фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови бўйича солиққа тортиш базаси бирламчи ва қўшимча равишда чиқарилган тижорат банклари акцияларини харид қилишга йўналтириладиган маблағлар суммасига тенг миқдорда камайтирилади.

Мазкур бандда назарда тутилган имтиёзлар тижорат банкларининг 2007 йил 1 январдан бошлаб сотиб олинган акцияларига, шунингдек, 2009 йилнинг 31 декабрига қадар тўланадиган акциялар бўйича дивидендларга нисбатан қўлланилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Марказий банк билан биргаликда 2007 йилнинг 1 январига қадар тижорат банкларининг акцияларини харид қилиш ва улар бўйича дивидендлар олишда солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

3. Тижорат банкларига аҳолининг бўш маблағларини, тадбиркорлик субъектларини, институционал инвесторлар, шу жумладан хорижий инвесторларни тижорат банкларининг акциядорлик капиталига жалб этиш борасидаги фаолиятни кучайтириш тавсия этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда;

бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

вазирлик ва идораларнинг идоравий норматив ҳужжатлари мазкур Фармон талабларига мувофиқлаштирилишини таъминласин.

5. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Раиси Ф. Муллажонов зиммаларига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ***И. КАРИМОВ***

Тошкент шаҳри,
2006 йил 19 декабр.

ЁРҚИН КЕЛАЖАК САРИ

Охирлаб бораётган йил Ўзбекистоннинг банк тизимида муҳим воқеаларга бой бўлди. Бу воқеаларнинг акс садосини кириб келаётган йилда албатта эшитамиз. Энг аввало, қонунчилик ишида банк секторига доир катта ишлар қилинганлигини кўрсатиб ўтишимиз керак. Зеро, секторни инсон организмининг бутун аъзои-баданни озиқлантириб турадиган қон томирлари билан қиёслаш мумкин.

Тижорат банклари ҳам бу ишдан четда тургани йўқ. Улар ресурс базаларини кенгайтириб, иқтисодиётнинг турли секторларини молиялаш соҳасида ҳам, чакана банк хизматлари кўрсатиш соҳасида ҳам ўз фаолиятларини кучайтириб борди. Шу йилнинг дастлабки уч чорагида Ўзбекистон тижорат банкларининг ўз сармояси деярли 10,4 фоиз кўпайиб, 1,028 трлн. сўмни ташкил қилди, активлари 26,4 фоиз ўсиб, 7,12 трлн. сўмга етди. Шу билан бирга, ушбу кўрсаткичларнинг ўсиш суръатлари ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан ошганлигини ҳам айтиб ўтишимиз керак. Ўтган йили бу кўрсаткичлар тегишлича 8,7 ва 12,2 фоиз бўлган эди. Буларнинг барчаси халқаро кўламда ҳам ўз самараларини бериб, унда Ўзбекистон банк тизими муносиб эътироф этилди.

Чунончи, МДҲ, Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари банк ассоциациялари Кенгаши – Халқаро банк кенгаши (ХБК)нинг 2006 йил сентябр ойида Сочи шаҳрида бўлган навбатдаги мажлисида мамлакатимиз вакили, Ўзбекистон Банклари ассоциациясининг бош директори Сайдулло Абдуллаев Кенгаш раҳбарияти таркибига сайланди.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ ТИЖОРАТ

ХАЛҚ БАНКИ

BANK

Мамлакатимизнинг барча фуқароларини муқаддас Қурбон ҳайити ҳамда яқинлашиб келаётган янги 2007 йил – «Ижтимоий ҳимоя йили» билан самимий муборакбод этади. Янги йилда оилангизга тинчлик-хотиржамлик ва омад тилайди. Қалбингизни қувонч ҳеч қачон тарк этмасин. Юртимизда тинчлик, осойишталик доимо ҳукмрон бўлсин.

Ўз навбатида турмушингиз фаровонлигини янада оширишда банкнинг

«Оила фаровонлиги» истеъмол кредитидан фойдаланишни ТАВСИЯ ЭТАДИ

Бунда СИЗ:
- ўз оила эҳтиёжларингизни қондириш мақсадида чорва моллари, парранда ва улар учун ем-хашак харид қилиш;
- миллий ҳунармандчилик ва касаначилик билан шуғулланиш;
- уй-жой (ҳовли) ва квартираларни таъмирлаш;
- дори-дармонлар сотиб олиш ва даволаниш;
- республикамизда ишлаб чиқарилган уй-рўзғор буюмларини харид қилиш ва бошқа имконият ва қулайликларга эга бўласиз.

Шу билан бирга банкнинг «Ишонч» ва «Барака» ёғм пластик карточкаларидан фойдаланишни таклиф этади.

Мазкур пластик карточкалар орқали савдо муассасалари, ёқилғи қуйиш шохобчалари, аҳолига маиший хизмат кўрсатувчи тармоқларда товарлар ва кўрсатилган хизматлар учун ҳисоб-китоб қилишингиз ҳамда исталган вақтда банк филиалларидан нақд пул олишингиз мумкин.

ОИЛАНГИЗ БАНКИ ХИЗМАТЛАРИ ЭВАЗИГА ТУРМУШИНГИЗ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИНГ!

Чет эл валюталарининг сўмга нисбатан курси

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2006 йил 26 декабрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	971,29
1 Англия фунт стерлинги	2426,06
1 Дания кронаси	218,24
1 БАА дирҳами	337,85
1 АҚШ доллари	1240,00
1 Миср фунти	217,35
1 Исландия кронаси	17,09
1 Канада доллари	1071,00
1 Хитой юани	158,53
1 Қувайт динори	4289,32
1 Россия рубли	47,16
1 Украина гривнаси	245,54
100 Ливан фунти	82,06
1 Малайзия ринггити	351,08
1 Норвегия кронаси	198,64
1 Польша злотийси	425,84
1 Сингапур доллари	804,25
1 СДР	1867,17
1 Туркия лираси	870,18
1 Швеция кронаси	181,02
1 Швейцария франки	1015,64
1 ЕВРО	1625,89
10 Жанубий Корея вони	13,36
10 Япония иенаси	104,35

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Янги йил арафасида мухбирларимиз профессионал фаолияти банк-молия сектори билан у ёки бу тарзда боғлиқ бўлган машҳур кишилар билан учрашиб, уларга қуйидаги саволларга жавоб беришни таклиф қилдилар:

Ўтиб бораётган йил сиз учун нимаси билан муҳим бўлди ва кириб келаётган йилдан нимани кутасиз?

ҚОНУНШУНОСЛИКДАГИ ЯНГИ БОСҚИЧ



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг аъзоси Қобилжон ТОШМАТОВ:

- Икки палатали парламентни шакллантириш қонунлар қабул қилиш жараёнини ва қонун ижодкорлиги фаолиятини янги сифат босқичига кўтаришга ёрдам беради. Қонунларни қабул қилишнинг уларни соҳа қўмиталарида кўриб чиқишдан бошлаб то ялпи мажлисларда тасдиқлашгача бўлган бутун цикли анча уйғунлашди, демак янада самарадор бўлди. Чунончи, бу йил Қонунчилик палатаси томонидан давлат фаолиятининг ҳамма соҳаларига тааллуқли 70 дан ортиқ қонун қабул қилинди ёки уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Республика иқтисодиётининг молиявий сектори ҳақида сўз юритиб, шуни қайд этиш керакки, бу йил ҳам қонунларни такомиллаштириш давом эттирилди. Хусусан, қабул қилинган ва кучга кирган «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги, «Микромолиялаш тўғрисидаги» ва «Кредит уюшмалари тўғрисида»ги қонунлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун ҳамма шароитларни яратиб беради. Бундан илгари ҳеч ким шунга ўхшаш хизматларни кўрсатмаган эди, деган маъно чиқмайди. Амалда барча тижорат банклари ва айниқса кредит уюшмаларининг кредит портфелларида микрокредитлашнинг ўз ўрни бор эди. Айни вақтда, қабул қилинган қонунлар ушбу молиялаш секторини тартибга солибгина қолмасдан, шу билан бирга етарлича рақобат муҳитини ҳам яратади. Бу эса, ўз навбатида, тадбиркорликни ривожлантиришга, молиявий оқимларни анча кўпайтиришга ёрдам беради. Бунинг устига, бу хизмат турлари микролизинг каби янги шакллар билан бойиди. Лекин энг муҳими шуки, «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги Қонун қишлоқда микромолиявий хизматлар кўрсатишни фаоллаштириш имконини беради ва бу мазкур ҳужжат билан мустаҳкамлаб қўйилди.

Тугаб бораётган йилда «Ипотека тўғрисида» Қонун қабул қилинди. Бу қонун молиявий хизматларнинг ушбу секторини ривожлантириш учун мустаҳкам пойдевор бўлди. Шуниси эътиборга лойиқки, мазкур ҳужжатга мувофиқ, ипотека шартнома асосида ҳам, шунингдек бу қонун асосида ҳам амалга оширилади. Ипотека шартнома асосида вужудга келганида гаров эгаси қарздорга қўядиган ўз талабларини асосан бошқа кредиторлардан олдин қондириш ҳуқуқига эга, иккинчи ҳолатда эса, қонун асосида вужудга келадиган қоидалар қўлланилади. Ҳам юридик, ҳам жисмоний шахсларнинг мулки бўлган кўчмас мулк ўзи жойлашган ер участкалари билан бирга ипотека предмети бўлиши мумкин. Ипотека тўғрисидаги қонун юқорида кўрсатилган объектларнинг тугалланмаган қурилишини гаровга қўйишга ҳам, якка тартибда уй-жой қуриш ёки қишлоқда деҳқон хўжалигини юритиш учун ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини, ижарага олувчининг кўчмас мулкка ва ер участкасини ижарага олишга бўлган ҳуқуқларини гаровга қўйишга нисбатан ҳам қўлланилади.

Айтиш мумкинки, юқоридаги қонунлар ўз моҳиятига кўра ихтисослашган институтлар молиявий фаолиятини тартибга солишига қарамай, яққол кўриниб турган ижтимоий йўналишга ҳам эга. Чунончи, микромолиялаш ва микрокредит ташкилотлари тўғрисидаги қонунлар аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш каби муҳим вазифаларни ҳал қилишга, «Ипотека тўғрисида»ги Қонун эса уй-жой бозорининг ривожланишига ёрдам беради ва бундан ташқари бизни анча узоқ истиқболни кўзлаб ўз оилавий бюджетимизни ҳисоб-китоб қилишга ўргатади.

Кириб келаётган йилда солиқ юкининг янада камайтирилиши кутилмоқда. Биласизки, Олий Мажлис «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим этилган 2007 йилги давлат бюджетининг лойиҳасини кўриб чиқиб, тасдиқлади. Солиқ сиёсатининг асосий йўналишларида иқтисодиёт соҳасидаги бошқа имтиёзлар билан бир қаторда, тижорат банклари илгари бўлганидек, даромаддан эмас, балки фойдадан солиқ тўлашлари кўзда тутилган. Мамлакат қонунларига киритилган мана шу ва бошқа ўзгартиришлар янги Солиқ кодексида акс эттирилади. Иқтисодий ислоҳотларни янада такомиллаштиришга қаратилган қонун ҳужжатлари, шу жумладан солиқ ва божхона кодекслари қабул қилиниши кутилмоқда.

ПРОФЕССИОНАЛЛИК — МУВАФФАҚИЯТ КАЛИТИ



«Капиталбанк» АТБ Бошқаруви раисининг ўринбосари Илмира ЗИЯЗИЕВА:

- Ўтиб бораётган йилга якун ясаб шуни айтиш керакки, республикамизда фан соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар сезиларли натижалар бермоқда. Банк сектори жадал ривожланмоқда, банклар ўз сармоясини кўпайтирмоқда, хизмат кўрсатиш тармоғини кенгайтирмоқда, янги хизмат турларини таклиф қилмоқда. 2006 йилда банк соҳасига доир бир қатор қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилиндики, бу ҳол ўз навбатида бутун молия бозоридаги конъюнктурага таъсир кўрсатмаслиги мумкин эмас эди. Хусусан, қайта молиялаш ставкасининг 16 фоиздан 14 фоизга туширилиши кредитлар бўйича ставкалар пасайишини келтириб чиқарди, бу эса ўз навбатида мамлакат иқтисодиётига инвестициялар кириб келишини рағбатлантирди. Банклар устав сармоясининг энг кам миқдорини ошириш эса уларни бундан буён ҳам сармояни кўпайтириб боришга рағбатлантиради, бу эса молия бозорида банклар фаоллигини ошириш имконини беради. «Капиталбанк» учун ўтиб бораётган йил банкнинг беш йиллиги бўлиб, у янги турдаги кредитларни, пул жўнатмалари тизимларини жорий этиш билан, бутун республикада янги хизмат кўрсатиш марказлари очилиши билан, Термизда янги филиал ташкил этилиши билан нишонланди ва, ниҳоят, 2006 йилда «Капиталбанк» мамлакатнинг ўнта энг йирик банки сафидан жой олди.

Замонавий, профессионал банк ходими учун янгиликлардан хабардор бўлиб туриш ҳамиша муҳимдир. Молия бозорида вазият жуда тез ўзгаради ва қаттиқ рақобат шароитида бу ўзгаришларга тез муносабат билдириш зарур. Зеро, бизда бўлмаган нарса бошқалардан топилади. Шунингдек, турган гапки, профессионализм ҳамда тажрибани ҳозирча ҳеч ким бекор қилган эмас. Мижозлар эса ўзларига алоҳида ёндашишни ва эътибор беришни, хушфеъллик ва одобни айниқса қадрлашади.

Янги йилда биз бир неча йиллардан бери хизматини қилиб келаётган мижозларимиз билан ишлашни давом эттириш ва янги мижозлар жалб этиш умидидамиз. «Капиталбанк» ходимлари мижозларнинг банк билан иложи борича самарали ва ёқимли муомала қилишлари учун қўлларидан келган ҳамма ишни амалга оширмоқдалар. Янги йилда албатта янги хизмат турлари (шу жумладан пластик карточкаларни қўллаган ҳолда), омонатлар, кредитлар таклиф қилинади.

Янги йил – янги вазифалар, имкониятлар, истиқболлар демакдир, янги режалар ва ишлар демакдир. Банк соҳасидаги барча ходимларга шахсан касбий ва ижодий муваффақиятлар, сиҳат-саломатлик ва равнақ тилайман.



ЁРҚИН КЕЛАЖАК САРИ

(Охири. Боши 1-бетда).

Шунингдек, навбатдаги мажлисни кириб келаётган 2007 йилнинг май ойида Тошкент шаҳрида ўтказиш ҳақида қарор қилинди. ХБКга аъзо давлатлар банк тизимларида чакана бизнесни ривожлантириш бўлажак мажлиснинг асосий мавзуи қилиб олинди.

Тошкентнинг танланишини тасодифий ҳол деб бўлмайди. Сўнгги йилларда хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳолининг банк тизимига ишончини янада ошириш мақсадида банк хизматларининг турлари кўпайтирилиб, уларнинг сифати яхшиланди. Шу билан бир қаторда, банклар мавжуд ресурсларни активлар ва пассивларни бошқаришнинг замонавий усуллари ёрдамида самарали бошқариш тизимини фаол жорий этиб келмоқда.

Мамлакатимиз раҳбарияти республикада чакана бизнесни ривожлантиришга алоҳида эътибор бермоқда ва бу эътибор аллақачон ўз самарасини берди. Масалан, Ўзбекистоннинг тижорат банклари эмиссия қилган пластик карточкалар сони уч миллион донага етди. Шу билан бирга, республика Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил сентябр ойидаги Қарори билан тасдиқланган нақд пулсиз тўловлар соҳасидаги хизматларни кенгайтириш бўйича тахминий график бажарилди.

Лойиҳани самарали амалга ошириш учун Ягона умумреспублика процессинг маркази ташкил этилди. Бу марказ савдо ва хизмат соҳаси субъекти ёки пластик карточкалар эгасига қайси банк хизмат кўрсатишидан қатъи назар, ҳамма савдо нуқталарида банк операцияларини ягона режимда амалга ошириш имконини бермоқда. Ўзбекистон ҳукумати лойиҳа иштирокчилари учун энг кўп қулайлик режимини яратди. Хусусан, 2005 йил 1 январидан бошлаб, юқорида кўрсатиб ўтилган Марказ ва тижорат банклари банкоматлар, терминаллар, коммутация ускуналари, шунингдек пластик карточкалар бўйича тўловларни амалга ошириш учун ишлатилаётган дастурий таъминотдан иборат мол-мулкка солиқ тўлашдан уч йил муддатга озод қилинди, йил охиригача эса юқоридаги ускуналарни, шунингдек пластик карточкалар ва график ҳамда электрон персоналлаштириш қурилмаларини импорт қилиш чоғида божхона тўловларини тўлашдан озод қилинди.

Юқоридаги қарор молия институтларининг пластик карточкалар муомаласини техникавий таъминлаш бўйича шериклари – савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарига ҳам тааллуқли бўлди. Чунончи, тижорат банкларига агар бундай корхоналар тўлов терминаллари сотиб олиш учун айланма маблағлар тақчиллигини бошдан кечираётган бўлсалар, уларга имтиёзли кредитлар (МБ қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизи миқдорида даромад билан) бериш топширилди.

Ўзбекистон ўзининг асосий мақсади аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашдан иборат эканлигини яққол англаб турган давлат сифатида юқоридаги стратегик мақсадни тўла-тўкис амалга ошириш учун тактик вазифаларни ва уларни ҳал қилиш йўлларини йилдан-йилга такомиллаштириб бормоқда, айни вақтда, жаҳон амалиётидан олинган ёрқин мисоллар билан уйғунлаштирмоқда.

Бу йўналишдаги асосий иш сифатида иқтисодиётнинг ривожланишига фаолиятни кучайтирмасдан ҳамда унда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари ўз улушини кўпайтирмасдан эришиб бўлмайди. Қабул қилинган «Кредит уюшмалари тўғрисида»ги, «Микромолиялаш тўғрисида»ги, «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги қонунлар микрокредитлаш бозори учун қоидаларни белгилаб берди. Ушбу қонунлар иқтисодиётнинг бу секторини ривожлантириш учун заминигина бўлиб қолмасдан, балки унинг зарур ресурс базасини кучайтириб боришнинг рағбатлантирувчи чораси ҳам бўлади.

Диёр КОМИЛОВ.

ИНСТИТУЦИЯВИЙ ИШОНЧЛИЛИК ТАРАҚҚИЁТНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИДИР

Республика акциядорлик-тижорат «Ғаллабанк» бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари А. С. РАҲМОНОВ таҳририятимиз меҳмони бўлиб, бир қанча саволларимизга жавоб берди.

- Ҳурматли Абдуносир Содиқович, молия-кредит институтлари фаолиятини кучайтиришда ўз ресурс базасини яратиш ва ошириб бориш муҳим рол ўйнайди. «Ғаллабанк»да бу йўналишда қандай ишлар амалга оширилмоқда?

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 апрелдаги «Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорини ҳамда республика Марказий банки Бошқарувининг «Тижорат банклари капиталининг адекватлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги Низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги тегишли қарорини бажариш юзасидан «Ғаллабанк» РАТБ республиканинг бошқа молия-кредит институтлари билан бир қаторда капиталлашувни оширишга катта эътибор бермоқда. Хусусан, шу йил феврал ойида умумий номинал қиймати 1 млрд. сўм бўлган ўн биринчи акциялар эмиссиясини жойлаштириш тугалланди. Бу эса устав сармоясини 20 фоиз кўпайтириб, унинг миқдорини 6 млрд. сўмга етказиш имконини берди.

Шу йил баҳорида «Ғаллабанк» акциядорларининг навбатдаги йиғилишида 2 млрд. сўм ҳажмидаги ўн иккинчи акциялар эмиссиясини ўтказиш ҳақида қарор қабул қилинди. Бу эмиссия кузда рўйхатдан ўтказилди. Ҳозирги кунда қўшимча эмиссиянинг деярли 85 фоизи жойлаштирилди ва шакллантирилган устав сармояси 7,692 млрд. сўмга етди, акциядорлар сони деярли 6 минг юридик ва жисмоний шахсни ташкил этди.

- Республика Марказий банкининг юқорида тилга олинган қарорида тижорат банклари сармоясининг адекват бўлишига қўйиладиган талаблар ҳам бор...

- Ҳа, ушбу талабларга мувофиқ, тижорат банклари регулятив сармоясининг улар активлари умумий суммасига нисбати хатарни ҳисобга олган ҳолда, 10 фоиздан ошмаслиги керак. Бу талаб энг аввало тижорат банклари омонатчиларининг манфаатларини берилган кредитлардан зарар кўриш хатаридан ҳимоялашга қаратилган. Ўзингизга маълумки, банкнинг ресурс базаси унинг ўз сармояси ҳисобидан ҳам, мижозларнинг депозит ҳисобварақларидаги маблағлар ҳисобидан ҳам шакллантирилади. Шу сабабли янада ишончлироқ бўлиши учун банкнинг регулятив сармояси активлар муайян улушидан кам бўлмаслиги керак. Натижада, агар тижорат банклари ўз активларини кўпайтирмоқчи бўлсалар, ўзларини капиталлаштиришга кўпроқ эътибор беришлари керак бўлади. Шу йилнинг ўн бир ойида «Ғаллабанк»нинг ўз сармояси деярли 15 фоиз кўпайиб, 21,544 млрд. сўмга етди.

- Ресурс базасидан қандай фойдаланилмоқда ва уни кўпайтириш банк активларини ошириб боришга имкон берадими?

- Ҳа, рақамлар бундан яққол далолат бериб турибди. Чунончи, шу йилнинг январ-ноябр ойларида «Ғаллабанк»нинг активлари 10,5 фоиз ўсиб, 79,835 млрд. сўмга етди. Агар ушбу рақамлар ўз сармоясининг кўпайиб бориш динамикаси билан таққосланса, банкимиз кредит сиёсати масалаларида анча консерватив эканлигини, институциявий ишончлиликка катта эътибор бераётганлигини кўриш мумкин. «Ғаллабанк» акциядорлари ҳам, омонатчилари ҳам унинг раҳбарларига ўз пул ресурсларини бошқаришни ишониб топширишган ва бизнинг вазифамиз ҳам биринчи, ҳам иккинчи томоннинг манфаатларини қондиришда бундан буён ҳам иқтисодиётнинг турли тармоқларини мушкулликсиз ва айни вақтда самарали молиялаш имконини берадиган уйғунликни қидириб топишдан иборат. Банкнинг кредит портфели 2006 йил 1 декабр ҳолатига жами 61,744 млрд. сўмни ташкил қилди.

- Мамлакатимизда истеъмол кредитларига катта эътибор берилмоқда. Кредитлашнинг мана шу соҳаси ҳақида нималар дея оласиз?

- Мамлакатимизнинг бу турдаги молиявий хизматлар бозорида анча катта рақобат муҳити вужудга келди. Кредит муассасалари, айниқса кредит уюшмалари сони мунтазам кўпайиб бормоқда. Шу сабабли, банкимизнинг бу йўналишдаги ишига баҳо бериш қийин. Фақат шуни айтишим мумкинки, тугаб бораётган йилнинг ноябр ойи охирида истеъмолни кредитлаш портфели 631,4 млн. сўмни ташкил қилган бўлиб, шуларнинг 232,6 млн. сўми аҳоли томонидан радиоэлектрон ва маиший техника сотиб олиш учун, 207,4 млн. сўми уйга мебел сотиб олиш, 95,9 млн. сўми – уй-рўзғор буюмлари сотиб олиш, 84,9 млн. сўми – олий маълумот олиш учун контрактлар ҳақини тўлаш ва 10,7 млн. сўми истеъмолни кредитлашнинг бошқа турларига тўғри келади.

- Тадбиркорларни кредитлаш қандай бормоқда ва «Ғаллабанк» уларга лизинг хизматлари кўрсатмоқдами?

- 2006 йил 1 декабрига иқтисодиётнинг бу сектори бўйича банкнинг кредит портфели 7,507 млрд. сўмни ташкил қилди. Бунда молиялашнинг энг катта улуши – 6,982 млрд. сўм ёки тадбиркорларга берилган кредитлар бўйича бутун қолдиқнинг 93 фоизи «Ғаллабанк»нинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилмоқда. Саволингизнинг иккинчи қисмига келсак, шуни маълум қилиш мумкинки, лизинг портфели ўтган 11 ойда 3,408 млрд. сўмни ташкил қилди. Шу билан бирга лизинг операцияларининг энг кўп ҳажми асосан аграр секторда амалга оширилди. Хусусан, қишлоқ хўжалиги техникаси сотиб олиш учун 3,292 млрд. сўм ажратилди.

- Аҳоли омонатларига қайтсак. Айтингчи, уларнинг ҳажми қанча ва ҳозирда банкингизда депозитларнинг қанча тури мавжуд?

- «Ғаллабанк»да аҳоли депозит ҳисобварақларидаги умумий қолдиқ 1 декабр ҳолатига 8,442 млрд. сўмни ташкил қилди. Шулардан энг катта ҳажмлар муддатли депозитларга – 4,766 млрд. сўм ва талаб қилингунча сақланадиган депозитларга – 3,16 млрд. сўм – тўғри келади. Ҳозирги кунда банк аҳолига 27 турдаги депозитни, шу жумладан «Байрам», «Равнақ», «Sahovatli kuz», «Xazina», «Sarmoya» ва бошқаларни таклиф қилмоқда.

- 2007 йилга мўлжалланган дастлабки режаларингиз қандай?

- Кириб келаётган йилда бизнес-режага кўра «Ғаллабанк» мижозлар сонини кўпайтириш ҳамда шунга мувофиқ ўз фаолиятини кучайтириш ҳисобига 5,7 млрд. сўм миқдорида соф фойда олишни ва шакллантирилган устав сармоясининг миқдорини 10 млрд. сўмга етказишни режалаштирмоқда.

Маълумотнома. *«Ғаллабанк» РАТБ 1994 йилда ташкил этилган бўлиб, дон саноати мажмуига қарашли корхоналарни кредитлашга ихтисослашган. Бугунги кунда у Ўзбекистоннинг ўнта энг йирик молия-кредит институтидан биридир. Банк таркибида 32 филиал ва 74 та мини-банк бор. Мижозлар базаси 63,8 мингдан ортиқ юридик ва жисмоний шахсни ташкил қилади.*

Шоҳруҳ АЛИМОВ ёзиб олди.

"ҒАЛЛАБАНК"

МУСТАҚИЛ РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ БАРЧА АҲОЛИСИНИ ҲАМДА ЎЗИНИНГ ДОИМИЙ МИЖОЗЛАРИНИ КИРИБ КЕЛАЁТГАН

янги 2007 йил

БИЛАН МУБОРАКБОД ЭТАДИ!

2007 йил – "Ижтимоий ҳимоя йили"да ҳар бир оилага тинчлик-хотиржамлик, фаровонлик, бахт-саодат тилайди ва миллий валютада қуйидаги муддатли ва жамғармали янги жозибадор омонат турларини таклиф этади:

"MUKOFOT" омонат турига маблағлар 2 ой сақлаш ва йиллик 18 фоиз устама тўлаш шарти билан қабул қилиниб,фоизлар омонат муддати тугаганидан сўнг берилади. Омонатнинг бошланғич энг кам миқдори – 100 минг сўм.

"SOVG'A" омонат турига маблағлар 3 ой сақлаш ва йиллик 18 фоиз устама тўлаш шарти билан қабул қилиниб,фоизлар омонат қўйилган куни, яъни олдиндан берилади. Омонатнинг бошланғич энг кам миқдори – 500 минг сўм.

"MEHR" омонат турига маблағлар 6 ой сақлаш ва йиллик 18 фоиз устама тўлаш шарти билан қабул қилиниб, омонат фоизлари ҳар ойда тўлаб борилади. Омонатнинг бошланғич энг кам миқдори – 100 минг сўм.

"MO'JIZA" жамғармали омонат турига маблағлар 11 ой сақлаш ва йиллик 18 фоиз устама тўлаш шарти билан қабул қилиниб, дастлабки қўйилган омонат устига хоҳлаган вақтда қўшимча маблағ қўйиш мумкин. Омонатнинг бошланғич энг кам миқдори 100 минг сўм қилиб белгиланган.

Омонатларга маблағлар банкнинг барча филиалларида қабул қилинади. Барча мижозларнинг маблағларини хатарсиз сақлаб, ҳисобланган фоизлар билан ўз муддатида қайтарилиши ҳамда унинг қатъий сир сақланиши "Ғаллабанк" томонидан кафолатланади.

"ҒАЛЛАБАНК" омонатлари келгуси даромадингиз кафолатидир!

"ҒАЛЛАБАНК" ХОНАДОНИНГИЗГА БАРАКА КЕЛТИРСИН!

2006 ЙИЛ ДАВОМИДА «БАНК АХБОРОТНОМАСИ» ГАЗЕТАСИДА ЧОП ЭТИЛГАН МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР РЎЙХАТИ

Т/р	Ҳужжатнинг номи ва қабул қилиш санаси	Газета сони
	ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЛАРИ	
1.	Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисида. 2006 йил 4 апрел	15 12.04.06
2.	Истеъмол кредити тўғрисида. 2006 йил 6 май	22 17.05.06
3.	Микромолиялаш тўғрисида. 2006 йил 15 сентябр	38 20.09.06
4.	"Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддасига қўшимча киритиш ҳақида. 2006 йил 14 сентябр	38 20.09.06
5.	Микрокредит ташкилотлари тўғрисида. 2006 йил 20 сентябр	39 27.09.06
6.	"Микрокредит ташкилотлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида. 2006 йил 20 сентябр	39 27.09.06
7.	Солиқ маслаҳати тўғрисида. 2006 йил 21 сентябр	41 11.10.06
8.	Ипотека тўғрисида. 2006 йил 4 октябр	42-43 18.10, 5.10.06
	ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРЛАРИ	
1.	Қишлоқ хўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдосини ўтказишни ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида. 2006 йил 24 август	36 6.09.06
2.	Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2006 йил 27 сентябр	40 4.10.06
3.	Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги инвестиция дастури тўғрисида. 2006 йил 9 октябр 484-сон	44 1.11.06
	ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНЛАРИ	
1.	"Микрокредитбанк" акциядорлик-тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида. 2006 йил 5 май	21 10.05.06
2.	Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармасини ташкил этиш тўғрисида. 2006 йил 11 май	22 17.05.06
3.	2006 йилнинг 1 июлидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида	26 14.06.06
4.	Юридик шахслар ва фуқароларнинг бинолари ҳамда иншоотлари билан банд бўлган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида	30 2.08.06
	ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРЛАРИ	
1.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Нақд пул муомаласини мустаҳкамлаш ва тижорат банкларининг масъулиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2001 йил 22 июндаги 264-сон қарорига қўшимчалар киритиш ҳақида. 2006 йил 7 феврал 18-сон	8 22.02.06
2.	Устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарнинг самарали бошқарилишини ва давлат мулкининг зарур даражада ҳисобга олинишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида. 2006 йил 16 октябр 215-сон	45-46 8.11-15.11.06
3.	Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартишлар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 15 сентябрда қабул қилинган "Микромолиялаш тўғрисида"ги ЎРҚ-50-сонли Қонуни). 2006 йил 31 октябр 225-сон	47 22.11.06
	ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ ҚАРОРЛАРИ	
1.	"Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки ҳудудий Бош бошқармаларининг ҳисоб-китоб касса марказларида тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисида"ги Низомни тасдиқлаш ҳақида. 2005 йил 26 ноябр 26А/3-сон	4 25.01.06
2.	Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режаси (янги таҳрирда). 2005 йил 24 декабр 623-сон	5-8,11,14,16-20,23,25,26 1-22.02; 15.03; 5,19,26.04; 3,24.05; 7-14.06
3.	Пул ресурсларининг банклараро электрон бозорида операцияларни амалга ошириш тартиби тўғрисида Низомни тасдиқлаш ҳақида 2005 йил 26 ноябр (619-сон) 2006 йил 11 январда 1535-сон билан давлат рўйхатига олинган	9 1.03.06
4.	Мижозларга ҳисобварақлар очиш, уларнинг ҳисобварақларига пул маблағларини ҳисобга киритиш ва ҳисобдан чиқариш, иш ҳақи ва қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган бошқа эҳтиёжлар учун нақд пул маблағлари беришнинг ўрнатилган тартибларини бузганликлари учун тижорат банкларига жарима санкцияларини қўллаш тартиби тўғрисидаги Низомга ўзгартишлар киритиш тўғрисида 2006 йил 15 феврал (4/4-сон) 2006 йил 21 февралда 1044-1-сон билан давлат рўйхатига олинган	10 7.03.06
5.	"Тижорат банкларида кредитларнинг бухгалтерия ҳисоби тартиби тўғрисида Низом"ни тасдиқлаш тўғрисида. 2004 йил 27 ноябр 25/9-сон	16-17 19.04.06
6.	Тижорат банкларида кредитларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида Низом. 594-сон. 2004 йил 17 декабрда 1435-сон билан давлат рўйхатига олинган	16-17 19.04.06
7.	Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида. 2006 йил 11 март 7/6-сон. 2006 йил 17 мартда 7731-21-сон билан давлат рўйхатига олинган.	18-19 26.04.06
8.	Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги Низомга қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида. 2006 йил 17 январ 1/4-сон. 2006 йил 8 февралда 1122-3-сон билан давлат рўйхатига олинган	18-19 26.04.06
9.	"Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банкларда электрон ахборотларни муҳофазалашни ташкил этиш тўғрисида"ги йўриқномага ўзгартиш киритиш ҳақида. 2006 йил 17 январ 1/9-сон. 2006 йил 8 февралда 1047-2-сон билан давлат рўйхатига олинган	18-19 26.04.06
10.	"Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари электрон тизимларида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Низомни тасдиқлаш ҳақида. 2006 йил 17 январ 1/8-сон. 2006 йил 13 мартда 1552-сон билан давлат рўйхатига олинган	20 3.05.06
11.	Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги Низомга ўзгартишлар киритиш тўғрисида. 2006 йил 8 апрел 9/5-сон. 2006 йил 22 апрелда 1122-4-сон билан давлат рўйхатига олинган	21 10.05.06
12.	"Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали электрон тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисида" Низомни тасдиқлаш ҳақида. 2006 йил 17 январ 1/3-сон. 2006 йил 14 февралда 1545-сон билан давлат рўйхатига олинган	21-22 10.05.06
13.	"Ўзбекистон Республикаси банк тизимида электрон рақамли имзо ва шифрлаш калитларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида"ги Низомни тасдиқлаш тўғрисида. 2006 йил 17 январ 1/10-сон. 2006 йил 13 мартда 1553-сон билан давлат рўйхатига олинган	24 31.05.06
14.	Ўзбекистон Республикаси ҳудудида юридик шахслар томонидан чет эл валютасида касса операцияларини юритиш тартибига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида. 2006 йил 8 апрел. 2006 йил 18 апрелда 611-3-сон билан давлат рўйхатига олинган	24 31.05.06
15.	Тижорат банклари томонидан юридик шахс мақомини олмасдан фаолият кўрсатаётган якка тартибдаги тадбиркорлар ва деҳқон хўжаликларини миллий ва чет эл валютасида микрокредитлаш тартибига ўзгартишлар киритиш тўғрисида. 2006 йил 20 апрел 10/3-сон. 2006 йил 6 майда 902-5-сон билан давлат рўйхатига олинган	25 7.06.06
16.	Тижорат банклари томонидан юридик шахс мақомини олиб фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликлари ва кичик бизнеснинг бошқа субъектларини миллий ва чет эл валютасида микрокредитлаш тартибига ўзгартишлар киритиш тўғрисида. 2006 йил 20 апрел 10/4-сон. 2006 йил 6 майда 903-7-сон билан давлат рўйхатига олинган	25 7.06.06
17.	"Марказий банк электрон тизимларида ахборотларни муҳофазалаш ва мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида"ги Низомга қўшимча киритиш ҳақида. 2006 йил 20 апрел	26 14.06.06
18.	Тижорат банклари томонидан шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларига чорвачиликни ривожлантириш учун имтиёзли мақсадли микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида Низомни тасдиқлаш ҳақида. 2006 йил 8 апрел 10/1-сон. 2006 йил 2 мартда 1568-сон билан давлат рўйхатига олинган	26 14.06.06
19.	"Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банкларда электрон ахборотларни муҳофазалашни ташкил этиш тўғрисида"ги Йўриқномага ўзгартиш киритиш ҳақида. 2006 йил 20 апрел 10/10-сон. 2006 йил 6 майда 1047-3-сон билан давлат рўйхатига олинган	26 14.06.06
20.	"Фоизларни ўстирмаслик тўғрисида"ги Низомга қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида. 2006 йил 20 апрел 10/11-сон. 2006 йил 24 майда 1304-1-сон билан давлат рўйхатига олинган	26 14.06.06
21.	Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режасига киритилаётган қўшимчаларни тасдиқлаш тўғрисида. 2006 йил 27 май 12-А/2-сон	28 19.07.06
22.	Кредит уюшмаларини рўйхатга олиш ва уларни лицензиялаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида. 2006 йил 13 май 11/9-сон. 2006 йил 23 июнда 1586-сон билан давлат рўйхатига олинган	29 26.07.06
23.	Банк кассаларидаги нақд пул қолдикларига лимитлар белгилаш ва уларга риоя этилишини назорат қилиш тартиби тўғрисида Низомни тасдиқлаш тўғрисида. 2006 йил 14 июл 16/7-сон. 2006 йил 21 июлда 1598-сон билан давлат рўйхатига олинган	30 2.08.06
24.	"Ўзбекистон Республикаси банкларида касса амалларининг бухгалтерия ҳисобини юритиш қоидалари"ни (янги таҳрирда) тасдиқлаш ҳақида. 2006 йил 15 июн 13/6-сон. 2006 йил 24 июлда 1602-сон билан давлат рўйхатига олинган	31 9.08.06
25.	"Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари электрон тизимларида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги Қарорга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида. 2006 йил 20 апрел 10/7-сон. 2006 йил 3 августда 1552-1-сон билан давлат рўйхатига олинган	33 23.08.06
26.	"Бир қарздор ёки ўзаро дахлдор бўлган қарздорлар гуруҳига тўғри келувчи таваккалчиликнинг энг юқори даражаси тўғрисида"ги Низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида. 2006 йил 14 июл 16/4-сон. 2006 йил 14 августда 557-5-сон билан давлат рўйхатига олинган	37 13.09.06
27.	Тижорат банклари кредит сиёсатига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисида Низомга қўшимча киритиш тўғрисида. 2006 йил 26 август 21/2-сон. 2006 йил 6 сентябрда 905-2-сон билан давлат рўйхатига олинган	40 4.10.06
28.	"Тижорат банклари томонидан юридик шахс мақомини олмасдан фаолият кўрсатаётган якка тартибдаги тадбиркорлар ва деҳқон хўжаликларини миллий ва чет эл валютасида микрокредитлаш тартиби" ва "Тижорат банклари томонидан юридик шахс мақомини олиб фаолият кўрсатаётган фермерлик хўжаликлари ва кичик бизнеснинг бошқа субъектларини миллий ва чет эл валютасида микрокредитлаш тартиби"ни тасдиқлаш тўғрисидаги Марказий банк бошқаруви қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш ҳақида. 2006 йил 7 октябр 24/2-сон	45 8.11.06
29.	Микрокредит ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида. 2006 йил 7 октябр 24/4-сон. 2006 йил 31 октябрда 1635-сон билан давлат рўйхатига олинган	47 22.11.06
30.	Марказий банкнинг 2006 йил учун йиллик молиявий, бухгалтерия ва давлат бюджетининг касса ижроси бўйича ҳисоботларини тузиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида. 2006 йил 11 ноябр 27-А/3-сон	48 29.11.06
31.	Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари, бош бухгалтерлари, бошқарув аъзолари, кредит уюшмалари ҳамда микрокредит ташкилотлари ижро органлари раҳбарлари лавозимларига тавсия этилаётган номзодларга нисбатан малака талаблари қўйиш тартиби тўғрисида" Низомни тасдиқлаш ҳақида. 2006 йил 24/6-сон. 2006 йил 14 ноябрда 1641-сон билан давлат рўйхатига олинган	48 29.11.06

32.	"Микрокредит ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси"ни тасдиқлаш ҳақида. 2006 йил 7 октябр 24/5-сон. 2006 йил 11 ноябрда 1639-сон билан давлат рўйхатига олинган	50 13.12.06

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ , ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ , ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ , ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ ҚАРОРИ

	Тижорат банклари томонидан иш билан маъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси кредит линиялари ҳисобидан оилавий тадбиркорлик субъектларига микрокредитлар бериш тартиби тўғрисидаги Низомни ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида. 2006 йил 21 февралда 1146-сон билан давлат рўйхатига олинган	16-17 19.04.06

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ , ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШ ҚАРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ ҚАРОРИ

	Акциядорлик-тижорат "Тадбиркорбанк"нинг кредит линиялари ҳисобидан тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига дастлабки (бошланғич) сармояни шакллантиришга кредит бериш ҳамда лизинг компаниялари томонидан лизингни амалга ошириш тартиби тўғрисида Низомни ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида. 2006 йил 21 февралда 1362-сон билан давлат рўйхатига олинган	16-17 19.04.06

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ, ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ ҲУЗУРИДАГИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ ФАОЛИЯТИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ МАРКАЗИ ҚАРОРЛАРИ

1.	Тижорат банклари томонидан қимматли қоғозларни чиқариш, давлат рўйхатига олиш ва сўндириш (бекор қилиш) тартиби тўғрисида Низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида. 2006 йил 10 мартда 1216-3-сон билан давлат рўйхатига олинган	18-19 26.04.06
2.	Тижорат банклари томонидан қимматли қоғозларни чиқариш, давлат рўйхатига олиш ва сўндириш (бекор қилиш) тартиби тўғрисида Низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида. 2006 йил 7 ноябрда 1216-4-сон билан давлат рўйхатига олинган	47 22.11.06

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҚАРОРЛАРИ

1.	Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига бюджетдан ташқари жамғармалар ва Тадбиркорбанк кредит линиялари ҳисобидан микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида Низомни тасдиқлаш ҳақида. 2006 йил 21 февралда 1548-сон билан давлат рўйхатига олинган	23 24.05.06
2.	"Тижорат банкларининг имтиёзли кредитлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан таркибида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирувчи бўлинмалар бўлган харбий қисмларга кредитлар бериш тартиби тўғрисида"ги Низомни тасдиқлаш ҳақида. 2006 йил 17 мартда 1554-сон билан давлат рўйхатига олинган	25 7.06.06
3.	Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига бюджетдан ташқари жамғармалар ва Тадбиркорбанк кредит линиялари ҳисобидан микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида Низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида. 2006 йил 8 августда 1548-1-сон билан давлат рўйхатига олинган	33 23.08.06
4.	Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси томонидан ажратилган маблағларни қайтариш учун ғалла ва ун сотишдан тушаётган маблағларни аккумуляция қилиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида. 2006 йил 5 октябрда 1627-сон билан давлат рўйхатига олинган	44 1.11.06

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ ҚАРОРИ

	Ҳисоб-китоблар маълумотномасини расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги Низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида. 2006 йил 27 апрелда 1137-1-сон билан давлат рўйхатига олинган	26 14.06.06

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ , ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ ҚАРОРЛАРИ

1.	Тижорат банклари томонидан Иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларига чорвачиликни ривожлантириш учун имтиёзли мақсадли микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида Низомни тасдиқлаш ҳақида. 2006 йил 2 майда 1567-сон билан давлат рўйхатига олинган	27 12.07.06
2.	"Кредит ахбороти миллий институтининг маълумотлар базасини шакллантириш ҳамда банкларараро кредит бюроси ва тижорат банкларига кредит ахборотини тақдим этиш тартиби тўғрисида"ги Низомни тасдиқлаш ҳақида (янги таҳрирда). 2006 йил 11 март 7/2-сон. 2006 йил 18 апрелда 1562-сон билан давлат рўйхатига олинган.	27 12.07.06

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ , ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ ҚАРОРИ

	Ун ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг бойитилган унни сотишдан тушган маблағларининг бир қисмини аккумуляция қилиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида. 2005 йил 7 ноябр	1 4.01.06

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ БУЙРУ ГИ

	"Молия органларида бюджетдан маблағ олувчилар билан товар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар ўртасидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг харажатлари тўловини назорат қилиш тартиби ҳақида"ги вақтинчалик Низомга ўзгартишлар киритиш ҳақида. 2006 йил 5 январ 4-сон. 2006 йил 8 февралда 1475-1-сон билан давлат рўйхатига олинган.	18-19 26.04.06



ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ – ФАРОВОНЛИК ОМИЛИ

- Бугунги кунда вилоятимиз тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектлари учун жами 16 мингга яқин ҳисобрақамлар очилган бўлиб, улар бўйича банк хизматлари кўрсатиб келинмоқда, - дейди Марказий Банк Сирдарё вилоят Бош бошқармаси бошлиғи биринчи ўринбосари Олимжон ЭРНАЗАРОВ.- Хусусан, жорий йилнинг 11 ойи давомида банклар хусусий сектор ривожланиши учун жами 6 млрд. 793 млн. сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратди.

Мазкур кредитларнинг 96 фоизи банкларнинг ўз маблағлари ҳисобидан берилган бўлса, қолган қисмини бошқа молиялаш манбаларининг маблағлари ташкил этади. Ажратилган кредитлар ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 707 млн. сўмга ошган бўлиб, унинг 60 фоизи қишлоқ хўжалигига, 16 фоизи айланма маблағларни тўлдиришга, 12,8 фоизи қурилиш ва маиший хизмат кўрсатишга, 4,8 фоизи ишлаб чиқаришга ҳамда 6,5 фоизи бошқа тармоқларни шакллантириш учун йўналтирилган. Айнан кичик бизнес субъектлари учун жалб этилган кредитлар ҳисобига вилоятда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилга нисбатан 743 млн. сўмга ошган ва 1 декабр ҳолатига 3 млрд. 273 млн. сўмни ташкил қилди.

Юртимиздаги иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан бири қишлоқ хўжалиги соҳасида фермер хўжаликларни ташкил этиш ва уларни молиявий қўллаб-қувватлашдан иборат. Вилоят тижорат банклари ислоҳотларнинг самарали кечишига муносиб ҳисса қўшиб келаётганлигини ажратилган кредитларнинг асосий қисми бевосита қишлоқ хўжалиги соҳасига тўғри келаётганлигида ҳам кўришимиз мумкин. Айниқса, банкларни пахта ва ғалла ўрим-йиғими мавсуми учун кўрсатган молиявий лизинг хизматлари фермер хўжаликларининг машина-трактор парклари хизматига қиладиган харажатларини бир неча баробар қисқартиришга ҳамда қўшни фермер хўжаликларига ҳам хизмат кўрсатиб қўшимча даромад олишга имкон берди.

Вилоят тижорат банклари ҳам тадбиркорлик билан шуғулланувчи хотин-қизлардан ўзларининг молиявий ёрдамини аямай келмоқда. Хусусан, жорий йил давомида банклар аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш учун жами 1 млрд. 265 млн. сўмга яқин кредитлар ажратдилар.

"Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президентимизнинг 308-сонли қарори талабларига мувофиқ эса, банклар ўз маблағлари ҳисобидан 501,9 млн. сўм ҳамда Бандлик жамғармаси ҳисобидан 228,9 млн. сўм миқдорида кредитлар ажратган.

Бундан ташқари, вилоят тижорат банклари қишлоқ хўжалик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида халқаро молия ташкилотлари билан ҳам яқиндан алоқа ўрнатган. Бунга жорий йилда Осиё тараққиёт банки кредит линияси орқали қишлоқ хўжалик техникаси ва уларга эҳтиёт қисмлар сотиб олиш учун 182 млн. 300 минг сўм миқдорида кредит жалб қилинганлигини мисол қилишимиз мумкин.

Шунингдек, Сирдарё вилоят тижорат банклари ўз депозит фаолиятларидан келиб чиқиб, аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини банкларга жалб қилиш борасида ҳам сезиларли ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, вилоят банкларига жорий йилнинг 1 декабр ҳолатига кўзда тутилган 7 млрд. 460 млн. сўм ўрнига жами 7 млрд. 703 млн. сўмга яқин аҳоли омонатлари йиғилган.

Бундан ташқари, вилоят банклари томонидан нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимининг яхши йўлга қўйилганлиги боис аҳоли ўртасида мазкур воситадан фойдаланиш эҳтиёжи тобора кучаймоқда. Масалан, 2006 йилнинг 1 декабр ҳолатига жами 104 610 дона пластик карточка муомалага чиқарилди. Вилоят бўйича мижозларнинг пластик карточкалардаги қолдиқ суммаси 775 млн. 100 минг сўмни ташкил этмоқда.

Назира МАВЛОНОВА.

АСОСИЙ ЭЪТИБОР ХУСУСИЙ СЕКТОРГА ҚАРАТИЛМОҚДА

Мамлакатимиз аҳолисининг 1 млн. дан ортиғи фермер хўжалиги фаолияти билан банд бўлиб, ўтган 2005 йилда етиштирилган пахтанинг 66 фоизи, ғалла ҳосилининг 55 фоизидан ортиғи уларнинг ҳиссасига тўғри келмоқда. Қолаверса, ялпи ички маҳсулотнинг 38,2 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар фаолияти билан боғлиқ бўлмоқда.



Иқтисодиётдаги бундай ижобий ўзгаришларда тижорат банкларининг ҳам алоҳида ўрни бор. Хусусан, акциядорлик-тижорат "Микрокредитбанк"нинг Тошкент вилоят бошқармасида жами 6 та бўлим ва улар қошида очилган 23 та мини-банклар хусусий тадбиркорлик билан шуғулланаётган ва қишлоқ хўжалигида фаолият юритаётган мижозларга молиявий кўмак бериб келмоқда. Жами 5 мингга яқин мижозларнинг асосий қисми деҳқон ва фермер хўжаликлари (3085 та) ҳиссасига тўғри келмоқда. Мингга яқин мижозлар эса, оилавий касаначилик ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчи субъектлар ҳисобланади.

2006 йил давомида бевосита банкнинг вилоят бошқармаси томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун жами 1 млрд. 430 млн. сўм миқдорида микрокредит ва микролизинг хизматлари кўрсатилди. Жумладан, уларни филиаллар мисолида кўриб чиқадиган бўлсак, айни пайтда банкнинг ушбу бошқармаси томонидан ажратилган кредитлардан самарали фойдаланиб келаётган 500 га яқин мижозларнинг 168 таси Паркент, 180 таси амалиёт бўлими ва Пскент, шунингдек, Кёлес (56 та), Оққўрғон (49 та), Ғазалкент (42 та) филиалларига қарашлидир.

Мазкур субъектларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида жалб этилган кредитларнинг 695 млн. 150 минг сўми қишлоқ хўжалигига, 492 млн. 544 минг сўми савдони кенгайтиришга, 156 млн. 900 минг сўми саноатга, қолган қисми қурилиш ва маиший хизмат ҳамда бошқа тармоқларни шакллантириш учун йўналтирилган.

Гулшан ЮСУПОВА.



ЖОЗИБАЛИ МОЛИЯ ВОСИТАСИГА АЙЛАНМОҚДА

«Ипак йўли» банки 1990 йилдан бери хилма-хил банк хизматларини амалга ошириб келмоқда. Банк мамлакатдаги товар ишлаб чиқарувчилар ва хизмат кўрсатувчиларни қўллаб-қувватлаш учун кредитлашнинг анъанавий турлари билан бир қаторда, лизинг операцияларини ҳам муваффақиятли амалга ошириб келмоқда.

- Лизинг анъанавий бўлмаган молиявий воситалардан биридир, - дейди «Ипак йўли» АТБ кредитлаш бўлимининг мудири Флора Ибрагимова. – У бир вақтнинг ўзида молиялаш, янги технологиялар сотиб олиш муаммоларини ҳал қилиш ҳамда бошқа эҳтиёжлар, масалан айланма маблағларни тўлдириш эҳтиёжлари учун етарли бўш маблағларга эга бўлиш имконини беради.

Бу эса лизингни айниқса кичик ва хусусий бизнес субъектлари учун янада жозибали молиявий воситага айлантиради.

«Ипак йўли» банки лизинг хизматлари кўрсатиш билан 2001 йилдан бери шуғулланиб келмоқда. Лизинг банкка бўш турган ресурсларни фойдали тарзда жойлаштириш, айни вақтда асосий маблағларини тўлдиришга муҳтож бўлган корхоналарни қўллаб-қувватлаш имконини бермоқда.

Лизинг шартномалари банкнинг Тошкент шаҳридаги бош офисида ҳам, унинг Самарқанд ва Навоий шаҳарларидаги филиалларида ҳам тузилади. Одатда бинолар, ускуна, автомашиналар ва компьютер техникаси лизинг объектлари бўлмоқда. Шуни кўрсатиб ўтиш керакки, лизинг операциялари портфели йилдан-йилга катталашиб бормоқда. Агар 2006 йил бошида умумий қолдиқ 13 та лойиҳа бўйича 1 млрд. 012,5 млн. сўмни ташкил этган бўлса, жорий йил 11 ойида жами 813 млн. 174 минг сўмлик лойиҳалар молиялаштирилиб, 2006 йил 1 декабр ҳолатига лизинг хизматлари портфелининг умумий қолдиғи 17 лойиҳа бўйича 1 млрд. 198,5 млн. сўмни ташкил қилди.

Ўзбекистоннинг лизинг хизматлари бозорида тижорат банклари билан бир қаторда, ихтисослашган компаниялар ҳам ишламоқда. Ана шундай компаниялардан бири «Барака» универсал лизинг компанияси» АЖдир. Компания билан «Ипак йўли» банкини узоқ муддатли ва муваффақиятли ҳамкорлик ўзаро боғлаб турибди. Чунончи, банк ушбу лизинг компаниясининг акциядоридир. У «Барака» лизинг компаниясига бир неча бор молиявий ёрдам кўрсатди. Бундай ҳамкорлик иккала ташкилот фаолиятига ижобий таъсир кўрсатмоқда, кичик ва хусусий бизнес корхоналарини сезиларли даражада қўллаб-қувватламоқда.

Шуни айтиш керакки, «Ипак йўли» банки Ўзбекистон Лизингберувчилар ассоциациясининг аъзоларидан бири бўлиб, ушбу хизмат тури бозорининг кенгайишида фаол қатнашмоқда, лизинг операцияларининг қонунчилик ва меъёрий базасини такомиллаштиришга қаратилган ўз таклифларини киритмоқда.

«Ипак йўли» банки мисолида лизинг фаолияти молиявий хизматлар бозорини ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатаётганлигини кўриш мумкин.

- Биз, - деб қўшимча қилади Флора Ибрагимова, - лизинг операциялари – молия бозорининг истиқболли сегментларидан бири деб ҳисоблаймиз ва шу сабабли яқин келажакда банкимизда ушбу операцияларни кенгайтирмоқчимиз.

МАҚСАД – ЛИЗИНГ АМАЛИЁТЛАРИНИ ФАОЛЛАШТИРИШ

Лизинг операциялари Ўзбекистон молия бозори учун нисбатан янги хизмат турларига киради. Шу боис бу борадаги хорижий тажрибани ўрганиш ва ҳаётга татбиқ қилиш алоҳида аҳамият касб этади. Жаҳон банки гуруҳига кирувчи Халқаро молия корпорацияси (ХМК)нинг Ўзбекистондаги фаолиятининг асосий йўналишларидан бири ҳам айнан маҳаллий лизинг бозорини шакллантиришга кўмаклашишдан иборат.

Юртимизда лизинг бозорининг шакллана бошлаганига энди бешолти йил бўлди. Бугунга келиб эса, лизинг операциялари ҳажми бўйича Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасидаги етакчи ўринлардан бирини эгаллаб келмоқда. Чунончи, 2002 йилда юртимизда жами 12 та лизинг берувчи муассаса фаолият юритган бўлса, бугунга келиб уларнинг сони 30 дан ошди, — деди Халқаро молия корпорацияси Марказий Осиёда лизингни молиялаш Фонди қошидаги техник кўмак лойиҳаси бошлиғи Умиджон Умаров. Айниқса, Ўзбекистон иқтисодиётида салмоқли ўрин тутадиган қишлоқ хўжалиги секторида фаолият юритаётган хусусий тадбиркорлик субъектларини лизинг асосида замонавий техника билан таъминлаш жадал суръатларда ривожланди.



Албатта, лизинг бозорининг изчил тараққий этишида Халқаро молия корпорацияси билан ҳамкорлик катта самара берди. ХМКнинг 2002-2005 йилларда амалга оширилган, лизингга оид қонунчиликни такомиллаштириш, лизинг берувчиларга консультатив ва техник кўмак бериш, лизинг операцияларини оммалаштириш ва лизинг бозорига қўшимча сармоялар киритиш каби мақсадларга қаратилган биринчи лойиҳаси маҳаллий лизинг бозорининг ҳам сон, ҳам сифат кўрсаткичларининг бир неча баробар яхшиланишига хизмат қилди. Мисол учун, 2003-2005 йиллар давомида лизингга оид қонун-ҳужжатларга 40 дан ортиқ ўзгартишлар киритилди, лизинг операциялари сони бир ярим баробар, лизингга берилган мулк жами қиймати эса, икки бараварга ошди.

Маълумки, лизинг узоқ муддатли операция саналиб, уни амалга ошириш узоқ муддатли ресурсларни талаб этади. Бу эса, банкларга муайян қийинчиликлар туғдиради. Шуни инобатга олган ҳолда, 2005 йилда ХМК алоҳида фонд ташкил этиб, унинг маблағлари асосида Марказий Осиё минтақасидаги молия муассасаларига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари билан лизинг операцияларини амалга оширишлари учун кредит линиялари очишни йўлга қўйди. Фонд капитали 30 млн. АҚШ доллари бўлиб, бу суммани уч йилда ўзлаштириш кўзда тутилган. Кредит линиялари муддати эса, 5-7 йилни ташкил этади. Бундан ташқари, Фонд қошида техник ёрдам лойиҳаси ҳам тузилиб, уч йил давом этадиган ушбу лойиҳа доирасида минтақадаги лизинг берувчилари учун консультатив хизматлар кўрсатилади.

Мазкур лойиҳа аввалгисидан анча фарқ қилади. Хусусан, биринчи лойиҳа лизинг бозорига алоқаси бўлган барча субъектларни қамраб олган бўлса, иккинчи лойиҳада алоҳида молия муассасалари билан ишлаш назарда тутилди ва шерикларни танлашнинг асосий мезони сифатида молия муассасанинг йирик капиталга ва лизинг бозорида етарли тажрибага эга бўлиши белгилиб қўйилди. Дарҳақиқат, ХМКнинг иккинчи лойиҳа бўйича шериклари - "Ипотека-банк" АТИБ, "Ҳамкорбанк" АТБ ва "Ўзбеклизинг Интернейшнл АО" лизинг компанияси лизинг бозоридаги энг тажрибали ташкилотлардан ҳисобланади. Аммо, ХМК мутахассислари корпорация ўз шериклари сафини янада кенгайтиришга тайёрлиги ва белгиланган талабларга жавоб берувчи барча молия ташкилотлари билан ҳамкорлик қилишга тайёрлигини билдирмоқдалар. Бу лойиҳа лизинг ривожига тўсқинлик қилаётган мураккаб меъёрий-ҳуқуқий тўсиқларни бартараф қилиш орқали лизинг бозорини фаоллаштиришга, ўз шериклари бўлган молия институтларининг моддий-техник базаларини мустаҳкамлашга қаратилган.

Ҳозирда ушбу лойиҳа доирасида ХМК мутахассислари бевосита жойларда лизинг операцияларига оид семинар-тренинглар ўтказмоқдалар, шунингдек, лизинг операциялари ҳуқуқий базасини янада мустаҳкамлаш юзасидан тегишли вазирлик ва идоралар билан маслаҳатлашувлар олиб бормоқдалар.

ЛИЗИНГ БОЗОРИНИНГ ЯНГИ ИШТИРОКЧИСИ

Бир вақтлар «брокер» деса фақат биржа савдолари кўз олдимизга келарди. Лекин, маълум бўлишича, кредит брокерлари, ипотека брокерлари (улар ҳақида газетамизнинг 47-сонига қаранг) ва ҳатто...лизинг брокерлари ҳам бўлар экан. Рости, лизинг соҳасидаги брокерлик хизматлари МДҲ мамлакатлари иқтисодиёти учун янгиликдир. Лекин шу нарса аниқки, лизинг брокерлари бор ва улар анча муваффақият билан ишлаяпти. Фақат бозор иштирокчилари лизинг брокерининг ролини ва фойдали эканлигини яхши тасаввур қилмасдан, ҳамкорлик майдонини чегаралаб қўйган вақтларида қийинчилик туғилмоқда. Шу сабабли, энг аввало, лизинг брокери кимлигини, у асосан қайси жиҳатлари билан лизинг компанияларидан ажралиб туришини аниқлаб олайлик.

БРОКЕР – У КЕРАКМИ?

Лизинг соҳасида брокерлик хизматларини кўрсатиш – Ҳамдўстлик мамлакатларида бизнеснинг анча ёш йўналишидир. Масалан, Россияда бу ишни касб қилиб олган ихтисослашган компаниялар юзтага борар-бормас, лизинг хизматлари бозорида фаол иш олиб бораётган компаниялар эса бармоқ билан санарли даражада.

Лизинг брокерининг хусусиятларига келсак, шуни айтиш керакки, у мижозга таклиф қиладиган маҳсулот мижознинг ўзига мослаб танланган индивидуал лизинг схемасидан иборат бўлиб, унинг иштирокчилари баъзан мамлакатнинг турли бурчакларида бўлади. Лекин айнан шу схема мижознинг талабларига жавоб беради.

Лизинг хизматларидан фойдаланмоқчи бўлган компания олдида, лизинг компаниясини қандай танлаш керак, деган жиддиий муаммо дарҳол пайдо бўлади. Бу ишни ҳар ким ҳар хил бажаради: кимдир лизингни озгина бўлса ҳам тасаввур қила оладиган танишларига қўнғироқ қилади, кимдир Интернетга киради ва ҳоказо. Турли лизинг компанияларига бир неча марта қўнғироқ қилган мижоз ҳамма компанияларнинг шартлари озми-кўпми бир хил эканлигига ишонч ҳосил қилади. Натижада, бу соҳада етарли тажриба ва билимга эга бўлмаган лизинг олувчи энг арзон вариантни танлайди. Шундан кейин зарур ҳужжатларни тайёрлашдан иборат узундан-узоқ жараён бошланади ва натижада танланган лизинг компаниясининг шартлари бошқаларникидан яхши эмаслиги, чунки у дастлабки ҳисоб-китобларда, масалан, суғуртанинг баҳосини, мулк солиғи бўйича харажатларни ҳамда битимни молиялайдиган банкнинг воситачилик йиғимларини кўрсатмаганлиги маълум бўлади. Бу босқичда одатда, мижоз учун чекинишга йўл қолмайди ва у лизинг компаниясининг шартларига рози бўлади. Шу сабабли, бўлажак лизинг олувчилар лизинг компанияларини топиш, уларнинг шартларини таққослаш ва оптимал вариантни танлаб олиш учун бир талай вақт ва куч сарфлашга мажбур бўладилар.

Лизинг брокери лизинг билан боғлиқ барча масалалар юзасидан мижозларга маслаҳатлар беради; айнан у харидорларга мос лизинг компаниясини ва лизинг битимининг мақбул шартларини танлашга ёрдам беради, айнан у мижозларни лизинг компаниясига жалб этади, маҳсулот етказиб берувчиларни лизинг ҳақидаги ва ўз мижозлари ҳақидаги ташвишлардан озод қилади.

БРОКЕР КИМ ТОМОНИДА?

Бу саволга қатъий жавоб бериш қийин. Чунки брокерлар вазифаларнинг бир қисмини ўз зиммаларига олиб, лизинг битимининг ҳамма босқичларида лизинг компаниясига ҳам ёрдам берадилар, лизинг олувчиларга лизингнинг нозик жиҳатларини билиб олишда, ўзлари учун энг мос молиялаш вариантини танлашда кўмак бериб, бўлажак лизинг олувчиларнинг ҳам ҳожатини чиқарадилар. Лизинг брокерига ҳаддан ташқари хилма-хил мижозлар мурожаат қилишади. Шу сабабли энг мос молиялаш схемасини танлаш брокернинг асосий вазифаси деса ҳам бўлади. Бу эса, ўз навбатида, лизинг компаниялари билан муносабатларни мустаҳкамлайди ва янада мослашувчан қилади, улар брокернинг ишлаш принципларини билишади ва охир-оқибатда унинг айтганини қилишади, чунки шундай йўл тутиш уларнинг манфаатларига жавоб беради.

Иккинчи томондан, лизинг брокери лизинг компаниясига брокер иштирокида амалга оширилган битим учун хотиржам бўлиш имконини берадиган бир қатор тадбирларни таклиф қилади, яъни у лизинг объектининг тўғри ишлатилишини, унинг иш қобилиятини текшириш мақсадида объектни мунтазам равишда мониторинг қилиб боради. Шу билан бир қаторда брокер дефолт юз берган тақдирда лизинг шартномаси бўйича лизинг объектини минтақанинг иккиламчи бозорида сотиш ва шу йўл билан лизинг компанияси кўрган зарарнинг ўрнини қоплаш вазифасини ҳам ўз зиммасига олади.

Шуни айтиш керакки, бугунги кунда Россияда анчагина лизинг компаниялари лизинг брокерларининг хизматларидан фойдаланмоқда, ўзаро манфаатли ҳамкорлик ҳақида аниқ таклифлар олмоқда. Лизинг компаниялари учун ўз маҳсулотларини лизинг брокерлари орқали сотишни кенгайтириш фойдали, чунки улар лизинг компаниялари вазифаларининг бир қисмини ўз зиммаларига оладилар: лизинг берувчининг бўлажак лизинг олувчини излашга сарфлайдиган вақтини тежайдилар. Брокерлар мижознинг лизинг хизматларини кўрсатиш ҳақидаги буюртмасини, лизинг объектининг спецификациясини тўғри тузиш, бўлажак лизинг олувчининг лойиҳани кўриб чиқиш учун зарур ҳужжатларини тўплаш каби вазифаларини ҳам адо этадилар.

Бундан ташқари, амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, брокерлар орқали сотиш лизинг компанияси учун ўзи мустақил сотганга қараганда кўпинча иқтисодий жиҳатдан самаралироқдир. Брокернинг ўзи офис очади, ходимларни сақлаб туради, маркетинг ва реклама сиёсатини амалга оширади, хатарларни бартараф этиш жараёнларида қатнашади.

БРОКЕРЛИК – СЕРҚИРРА ФАОЛИЯТ

Лизинг брокерлари билан ҳамкорлик қилиш вариантлари кўп. Бу вариантлардан лизинг компаниялари ҳам, банклар, инвестиция компаниялари, хусусий инвесторлар ҳам фойдаланадилар. Лизинг компаниялари учун таклиф қилинадиган хизматлар, чунончи, мижозларни турли линияларга йўналтириш, улар номидан тендерларда иштирок этиш, уларнинг брендларини бозорга олиб чиқиш, низоларни бартараф этишда уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш уларнинг асосий иши бўлса-да, лекин ҳозирги брокерлик компанияларининг фаолияти шу билан чекланмайди. Масалан, баъзи брокерлар банкларга лойиҳани молиялаш бўйича ўз хизматларини таклиф қилмоқдалар, инвесторларни эса уларнинг ишлаб чиқаришни, қурилишни ташкил этиш ва шу каби соҳалардаги фаолияти қизиқтиради. Пировардида, ҳозирги лизинг брокери молия бозори ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг катализатори ролини ўйнамоқда. Ниҳоят, лизинг брокери кредит ва инвестиция ресурсларини жалб этиш соҳасидаги мутахассис сифатида самарали ишлаш учун яхши шароит яратиб беради.

Саҳифани Алишер ДАВЛАТОВ тайёрлади.

ШУНАҚАСИ ҲАМ БЎЛАДИ

АВСТРИЯНИНГ жануби-ғарбидаги Виллач шаҳарчасидаги дўконга ... сичқон ўғриликка тушди.

Ўғриликни дўкон эгаси кассадан 50 евро йўқолганидан кейин ўрнатган видеокамера суратга олди. Видеотасмада сичқон қоғоз пуллардан ўз уясини иситиш учун фойдаланганлиги – пулларни битта-биттадан тишлаб ташмалаганлиги яққол акс этган.

БЕЛАРУСДАГИ дўконлардан бирида қизиқ ҳодиса юз берди. Башанг кийинган ўрта яшар бир киши бир шиша пиво ҳақини тўлаш учун навбатда турар эди. Кассага яқинлашгач, у чўнтагидан пул ола бошлади.

Не кўз билан кўрсинки, банкнотлар кийими билан қўшиб шунчалик яхшилаб ювилган эканки, ҳатто уларнинг қийматини аниқлаш ҳам қийин бўлди.

НОРВЕГИЯЛИК бир аёл минилган автомобил сотиб олди ва ўзини қандай ғаройиб ҳодиса кутаётганидан бехабар, машинани деярли саккиз йил давомида хотиржам ҳайдаб юраверди. Бир куни у машинанинг бардачогига кўз ташлаб, у ердан...бир даста пул солинган ҳамён топиб олди.

Маълум бўлишича, саккиз йил аввал машинанинг аввалги эгаси майда-чуйда нарсалар сақланадиган кичкина бўлинмага қўйган пулини йўқотган экан: ҳамён ақл бовар қилмайдиган тарзда бардачок деворига ёпишиб қолган ва шунча йил давомида яшириниб ётаверган. Топилмани эгасига қайтаришди.

БИР ТЕЖАМКОР АЁЛ ўз хонадонида пул яширадиган жой қилган. Эрта туриб у ўз хазинасини кўздан кечиришга қарор қилади, лекин...пул йўқолиб қолибди. Аёл пулини тополмай уйни остин-устун қилиб ташлади, шундан кейин милиция чақирди ва уйини ўғри урганлиги ҳақида ариза ёзди.

Тергов ишлари қизиб кетди ва ҳатто шубҳага олинганлар доираси ҳам аниқланди. Аммо шу вақтда аёл тасодифан пулларини ўз жавонидан топиб олди. У пулларини бошқа жойга яшириб қўйганлигини унутган экан.

ПЕКИНЛИК кекса бир аёл нонуштага бир боғлам пулни қовурибди. Қандай қилиб, дейсизми? У 20 минг юан (2400 АҚШ долларига яқин) нақд пулини микроволновка ичига яшириб қўйган ва, турган гапки, бу иши эсидан чиқиб кетган.

Печкадан ўз ўрнида фойдаланилган вақтда пуллар ёниб кетган. 600долларга яқин пулни сақлаб қолишга муваффақ бўлинди, холос.

ЯРОҚСИЗ ПУЛЛАР ҚАЕРГА КЕТАДИ?

Ҳа, йиллар давомида йиққан маблағингизни бир лаҳзада йўқотиш – ачинарли ҳол. Аммо, хоҳлайсизми – йўқми, бир кун келиб пуллар (аниқроғи, банкнотлар) яроқсиз ҳолга келади ва уларни йўқ қилиш муаммоси пайдо бўлади. Хўш, бу жараён қандай амалга оширилади?

Ҳозирча ҳеч ким коммунистик жамият қуриш ва пулни бекор қилишни уддалай олгани йўқ. Шундай экан, кераксиз пулларни йўқотиш муаммоси озми-кўпми даражада ҳар қандай давлатда мавжуд. Бу соҳада бирор-бир янгилик ўйлаб топиш мушкул: ҳамма мамлакатларда пул ё ёқиб юборилади, ёки кўмиб ташланади, ё бўлмаса бирор бир чорасини топиб қайта ишланади. Буларнинг фарқи фақат тадбирларнинг атроф-муҳитга таъсирида ва қандай кўламда амалга оширилишида, холос. Лотин Америкаси мамлакатларида пулни ёқиб қўя қолишади. АҚШ ФЗТ муомаладан чиқарилган купюраларни ёқиш ёки кўмиб ташлашни тақиқлайди. Долларларни йўқотиб юбориш билан хусусий фирмалар шуғулланишади - қайта ишлаш жараёнида улардан ёғоч-толали плиталар ишланади. Долларларнинг йўқотилиши устидан давлат назорати эса купюраларни санаб чиқиш билан кифояланиб қолмай, жараённинг экологик тозалигини назорат қилишни ҳам қамраб олади.

Умуман олганда, ҳозир нисбатан зарарсиз технологиялар мавжуд. Муомаладан чиққан пуллар цехга тушади, бу ерда махсус ускуналарда улар майдаланади. Купюралар эни 1-2 миллиметрли тасмалар қилиб қирқилади, ҳосил бўлган «қиринди» босим остида ғишт катталигидаги брикетларга прессланади. Қайта ишланган пуллар махсус ажратилган жойларда кўмиб ташланади.

Шундай бўлса-да, ҳозирга қадар баъзи жойларда қайта ишланган пулларга ўт қўйилмоқда. Лекин пулларни йўқотишнинг бундай жараёни экология жиҳатидан хавфсиз эмас. Мустақил экологик ташкилотларнинг баҳолашича, ортиқча пулларни йўқотишнинг бундай йўли атроф-муҳитга, инсон саломатлигига жиддий зарар келтиради. Пуллар ёқилганида ҳавога оғир металлар - қўрғошин, кадмий ва хром учар бирикмалари кўплаб миқдорда ажралиб чиқади. Кўнгил айнитадиган ҳиддан ташқари (ёнаётган пуллар шундай ҳид чиқаради) инсон организми учун хавфли бўлган моддалар ажралиб чиқади. Бензопирен, тератоген модда, диоксинларнинг ҳатто минимал концентрациялари ҳам қон ва ўпкада онкологик касалликлар келтириб чиқаришга қодир. Ҳатто бир марта пул ёқиш ҳам атроф-муҳитни ифлослантириши мумкин. Зарарли бирикмалар тупроқ ва ўсимликларда тўпланиб боради.

Пулда яшириниб ётган яна бир хавф – радиоактивликдир (альфа- ва бета- нурланишлар). Барча радиоактив чиқиндиларнинг 2 фоизга яқини айнан купюра ва тангалар ҳиссасига тўғри келади. Радиоактив купюралар дезактивация қилинади ва кўмиб ташланади. Шундай экан, эски пуллар ҳатто муомала муддати тугаганидан кейин ҳам анча-мунча муаммо туғдиради ва каттакатта харажатлар талаб қилади. Кўп пул ҳатто ўз ҳаётининг охирида ҳам хавфли бўлиши мумкин.

Чет эл матбуоти материаллари асосида.

КРЕДИТ УЮШМАЛАРИ: ИСЛОҲОТЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Охирлаб бораётган йил республика кредит уюшмалари тизими учун ҳам кўп ижобий натижалар берди. Қонунларни такомиллаштириш соҳасида катта иш амалга оширилди. Хусусан, «Кредит уюшмалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритилди, Кредит уюшмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва лицензиялаш тартиби тўғрисидаги янги таҳрирдаги Низом тасдиқланди, кредит уюшмалари ижро этувчи органлари раҳбари лавозимига тавсия этиладиган номзодларга қўйиладиган янги малака талаблари чиқарилди. Янги қабул қилинган «Микромолиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ҳар бир кредит уюшмаси Микромолиявий хизмат кўрсатиш қоидаларини ишлаб чиқди ва тасдиқлади.

Кредит уюшмаларининг қисқа муддатли ликвидлигини қўллаб-қувватлаш учун Кредит уюшмалари ассоциацияси томонидан Ассоциацияга аъзо кредит уюшмаларига молиявий маблағлар бериш тартиб-таомиллари ишлаб чиқилди. Ҳозирги вақтда Ассоциация томонидан кредит уюшмаларига нақд пулсиз депозитлар шаклида ажратилган маблағлар умумий суммаси 125,8 млн. сўмга яқинни ташкил этди.

Кредит уюшмалари ассоциациясининг (КУА) доимий аъзолари бўлган кредит уюшмалари депозитларини ҳимоя қилиш тизимини шакллантириш улар фаолиятини бошқаришни мувофиқлаштиришга ҳамда доимий аъзолар ўртасида ўзаро кафолатларни кучайтиришга хизмат қилади. КУА Бақарорлаштириш жамғармасини ташкил этиш йўли билан омонатларни ҳимоялашнинг ишончли молиявий тизимини яратиш имконини беради. Ҳозирги кунда 8 та кредит уюшмаси – «Авиценна», «Аср», «Ишонч», «Ласточка», «Нурафшон», «Осиё Траст», «Таянч» ва «Шердор» ассоциациянинг доимий аъзоларидир. 17 та кредит уюшмаси: «Барака», «Бухоро тадбиркори», «Имкон», «Инъом», «Капитал Юнион», «Кредо», «Мададкор», «Мадор», «Олтин Водий», «Омад», «Ташаббус», «Университет», «Фаровон», «Финанс-плюс», «Хазина», «Шарқ Юлдузи» ва «Тезкор-Кредит» аъзоликка номзодлар рўйхатига кирган.

Омонатларни ҳимоялашнинг бундай тузилмасини яратиш аҳолига ўз жамғармаларини кредит уюшмаларига тўла ишонч билан қўйиш имконини беради, чунки янги тизим келажакда омонатчиларнинг маблағларини хатарлардан ишончли ҳимоя қила олади ва бундай хатарлар туғилган тақдирда қўйилган маблағлар омонатчига тўла-тўкис қайтарилишини таъминлайди.

Ишлаб турган ҳамма кредит уюшмалари орасида жисмоний ва юридик шахслар омонатларининг қисман ёки тўла сақланиши фақат Бақарорлаштириш жамғармасининг аъзолари бўлган кредит уюшмаларига кафотланган. Бақарорлаштириш жамғармаси тизимининг иштирокчилари бўлмиш кредит уюшмалари қуйидаги устунликларга эга:

- ўз аъзолари омонатларининг тўлиқ ёки қисман кафолатланиши;
- кредит уюшмасининг молиявий аҳволини қайта тиклаш ва соғломлаштириш бўйича Кредит уюшмалари ассоциациясидан ёрдам олиш;
- ликвидликни қўллаб-қувватлаш мақсадида Бақарорлаштириш жамғармасининг молиявий ресурсларидан фойдаланиш.

Бундай жамғармаларнинг ташкил этилиши амалдаги қонунларда, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 14 августда 1315-рақам билан рўйхатга олинган Кредит уюшмалари ассоциациясининг уставида назарда тутилган. Жамғарма фаолияти ва унинг маблағларидан фойдаланиш Кредит уюшмалари ассоциацияси Кенгаши томонидан тасдиқланадиган ички низомлар асосида бошқарилади. Бақарорлаштириш жамғармаси доимий аъзоларнинг мажбурий ажратмалари; Ассоциациянинг пул маблағлари; кредит уюшмалари, бошқа корхона ва ташкилотларнинг ихтиёрий ҳамда беғараз ажратмалари; Бақарорлаштириш жамғармасидан фойдаланишдан олинган маблағлар ҳисобидан шакллантирилади.

Маълумотнома: *2006 йил 31 октябр ҳолатига Ўзбекистонда рўйхатга олинган кредит уюшмалари сони 35 тани, уларнинг аъзолари – 49691 нафарни (шу жумладан хотин-қизлар 44 фоизни) ташкил этди. Барча кредит уюшмалари активларининг суммаси 17,0 млрд. сўмни, кредит уюшмалари томонидан берилган кредитлар суммаси 14,6 млрд. сўмни, кредит уюшмалари жалб этган депозитлар суммаси 12,5 млрд. сўмни ташкил қилади.*

Галина ЗАРЕЦКАЯ.



ХОАТБ «АЛП ЖАМОЛ БАНК»

Банк акциядорлари ва мижозларини яқинлашиб келаётган 2007 йил билан табриклайди ва банкнинг янги почта манзилини маълум қилади:

Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, М. К. Отатурк кўчаси 21.

Илгари шу манзилда жойлашган Тошкент шаҳар филиалининг ҳуқуқий вориси ХОАТБ «Алп Жамол банк» Операция Бошқармаси бўлиб, у банкнинг Тошкент шаҳар филиали томонидан илгари тузилган барча шартномалар бўйича мижозлар олдидаги ҳамма мажбуриятларни ўз зиммасига олади.

Тошкент вилояти, Қибрай ШТП, Зебунисо кўчаси, 7а уй манзили бўйича ХОАТБ «Алп Жамол банк»нинг Қибрай филиали рўйхатга олинди.

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ–ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети

«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ

Тадбиркорликни ахборот билан қўллаб-қувватлаш "Заковат" ижтимоий жамғармаси

ТАҲРИР КЕНГАШИ:

Файзулла Муллажонов
(Таҳрир Кенгашининг раиси),
Қаҳрамон Рофиев
(Таҳрир Кенгашининг раис ўринбосари),
Равшан Охунов
(Таҳрир Кенгашининг масъул котиби),
Раҳмон Каримов
Абдураҳмат Боймуротов
Баҳодир Хўжаев
Михаил Перпер

БОШ МУҲАРРИР
Шавкат Назаров

БОСИШГА ТАЙЁРЛОВЧИ:
«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ

АХБОРОТ ХИЗМАТИ КЎРСАТУВЧИЛАР:
ЎзА, «Туркистон-пресс» НАА, «Иқтисодиёт ахборот агентлиги», «Бухоро-пресс» АА.

Реклама ва эълонлар учун 134-13-18 телефони орқали мурожаат қилинг.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
700000, Тошкент, Ғ. Мавлонов кўчаси, 1а-уй.
e-mail: bankingnews@tshtt.uz
www: finance.uz

Босилган материаллар муаллифларининг нуқтаи назари таҳририятнинг нуқтаи назарига мос келмаслиги мумкин. Рекламаларнинг мазмуни учун реклама берувчиларнинг ўзлари масъулдир.

Таҳририятнинг ёзма розилиги бўлганидагина, "БА"да эълон қилинган материалларни кўчириб босишга ижозат берилади.

Қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Ⓣ *Материал тижорат асосида чоп этилмоқда.*

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида ***137-тартиб рақами*** *билан рўйхатга олинган.*

Буюртма № Г-1404
Тираж 5039 нусха.
Босишга рухсат этилди
26.12.2006 й.

Газета таҳририят ускуналарида саҳифаланди. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. *Корхона манзили:* Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топширилди 27.12.2006 й. 9.00. 1 2 3 4 6

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ
ҚАРОРИ

2006 йил № 24/6 Тошкент ш.

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ ТОМОНИДАН ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ФИЛИАЛЛАРИ РАҲБАРЛАРИ, БОШ БУХГАЛТЕРЛАРИ, БОШҚАРУВ АЪЗОЛАРИ, КРЕДИТ УЮШМАЛАРИ ҲАМДА МИКРОКРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИ ИЖРО ОРГАНЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ЛАВОЗИМЛАРИГА ТАВСИЯ ЭТИЛАЁТГАН НОМЗОДЛАРГА НИСБАТАН МАЛАКА ТАЛАБЛАРИ ҚЎЙИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА» НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ТОМОНИДАН
2006 йил 14 ноябрда 1641-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди
(2006 йил 24 ноябрдан кучга киради)

«Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари, бош бухгалтерлари, бошқарув аъзолари, кредит уюшмалари ҳамда микрокредит ташкилотлари ижро органлари раҳбарлари лавозимларига тавсия этилаётган номзодларга нисбатан малака талаблари қўйиш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг лойиҳасини кўриб чиқиб ва муҳокама қилиб,

Бошқарув қарор қилади:

1. «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари, бош бухгалтерлари, бошқарув аъзолари, кредит уюшмалари ҳамда микрокредит ташкилотлари ижро органлари раҳбарлари лавозимларига тавсия этилаётган номзодларга нисбатан малака талаблари қўйиш тартиби тўғрисида Низом» иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор кучга кирган кундан бошлаб, Марказий банк Бошқарувининг 29 январ 2005 йилдаги 1/7-қарори ва у билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари, бош бухгалтерлари, бошқарув аъзолари ҳамда кредит уюшмалари ижро органлари раҳбарлари лавозимларига тавсия этилаётган номзодларга нисбатан малака талаблари қўйиш тартиби тўғрисида»ги Низом (рўйхат рақами 1455-сон 2005 йил 10 март), ушбу Низомга Марказий банк Бошқарувининг 28 май 2005 йилдаги 11/3-сонли қарори билан тасдиқланган 1-сон ўзгартириш (рўйхатга олиш рақами №1455-1, 27 июн 2005 йил), Марказий банк Бошқарувининг 7 октябр 2005 йилдаги 21/5-сонли қарори билан тасдиқланган 2-сон ўзгартириш (рўйхатга олиш рақами 1455-2, 28 октябр 2005 йил) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Кредит уюшмалари Кенгашлари раисларига ҳозирда фаолият кўрсатаётган олий иқтисодий маълумотга эга бўлмаган кредит уюшмалари ижро органлари раҳбарларини 2 йил муддат ичида иккинчи мутахассислик бўйича олий иқтисодий маълумот олиши учун олий ўқув юртига киришларини таъминлаш ёки ижро органи раҳбарини олий иқтисодий маълумотга эга бўлган ходим билан алмаштириш вазифаси юклатилсин.

4. Ушбу Қарор Адлия вазирлигида Давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан 10 кун ўтгандан сўнг кучга киритилсин.

Марказий банк
Раиси **Ф. М. МУЛЛАЖОНОВ**

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг
2006 йил 7 октябрдаги
24/6 - сонли қарори билан
«ТАСДИҚЛАНГАН»
644-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ ТОМОНИДАН ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ФИЛИАЛЛАРИ РАҲБАРЛАРИ, БОШ БУХГАЛТЕРЛАРИ, БОШҚАРУВ АЪЗОЛАРИ, КРЕДИТ УЮШМАЛАРИ ҲАМДА МИКРОКРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИ ИЖРО ОРГАНЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ЛАВОЗИМЛАРИГА ТАВСИЯ ЭТИЛАЁТГАН НОМЗОДЛАРГА НИСБАТАН МАЛАКА ТАЛАБЛАРИ ҚЎЙИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА
НИЗОМ

Мазкур Низом «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 51-моддасига мувофиқ тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари, бош бухгалтерлари, бошқарув аъзолари, кредит уюшмалари ҳамда микрокредит ташкилотлари ижро органлари раҳбарлари лавозимларига тавсия этилаётган номзодларга нисбатан малака талабларини қўйиш ва касбга мувофиқлигини аниқлаш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Малака талабларини қўйиш ва касбга мувофиқликни аниқлаш (кейинги ўринларда - касбга мувофиқликни аниқлаш) - банк иши ва амалиётини, кредит уюшмалари ҳамда микрокредит ташкилотлари фаолиятини юритишда амалдаги қонунчилик талабларига риоя этилишини таъминлаш учун юқори малака ва салоҳиятга эга бўлган мутахассисларни танлаш усулидир.

2. Касбга мувофиқликни аниқлашнинг асосий тамойиллари – очиқлик, кенгашлилик ва холисликдан иборат.

3. Ўзбекистон Реслубликаси Марказий банкининг «Тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари, бош бухгалтерлари, бошқарув аъзолари, кредит уюшмалари ҳамда микрокредит ташкилотлари ижро органлари раҳбарларининг касбга мувофиқлигини аниқлаш комиссияси» (кейинги ўринларда - Комиссия) касбга мувофиқликни аниқловчи коллегиал орган ҳисобланади.

4. Мазкур Комиссияда тижорат банклари Бошқаруви раислари ва раис ўринбосарлари (Вазирлар Маҳкамаси номенклатурасига кирадиган лавозимлар бундан мустасно), Бошқарув аъзолари, Бош банкнинг бош бухгалтери, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шаҳар ва туман филиаллари, Амалиёт бошқарма (бўлим)лари раҳбарлари ҳамда бош бухгалтерлари, кредит уюшмалари ва микрокредит ташкилотлари ижро органлари раҳбарлари (кейинги ўринларда - Тижорат банклари, кредит уюшмалари ва микрокредит ташкилотлари раҳбарлари) лавозимларига тайинлаш учун тавсия этилаётган номзодларнинг касбга мувофиқлиги аниқланади.

5. Тижорат банклари, кредит уюшмалари ва микрокредит ташкилотлари раҳбарлари қуйидаги ҳолларда тавсия этилаётган лавозимга мувофиқ эмас деб топиладилар ва ўз навбатида улар ушбу лавозимларга тайинланиши мумкин эмас:

амалга оширган ҳаракатлари юридик шахсларнинг банкротликка ёки молиявий аҳволи ёмонлашувига олиб келганлиги тўғрисида далиллар маълум бўлган тақдирда, банкротликка учраган ёки молиявий аҳволи ёмонлашган банклар, кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари ва юридик шахсларнинг собиқ раҳбарлари, бошқарув ва кузатув кенгаши аъзолари ҳамда йирик иштирокчилари (устав капиталида 10 фоиз ва ундан кўп миқдорда овоз берувчи акциялар ёхуд улушларга эга бўлган шахслар);

ўзининг ишбилармонлик ва шахсий хатти-ҳаракатида нотўғри иш юритса;

ўзаро яқин қариндош бўлган шахслар бир банкда раҳбарлик ёки моддий жавобгарлик билан боғлиқ лавозимларда бири иккинчисига бевосита бўйсуниб ёки унинг назорати остида бирга ишласа.

6. Банк ёки филиал раҳбарлари ҳамда бош бухгалтерлари бир банк таркибида бошқа юқори лавозимга ёки бошқа банкка тенг ёки юқори лавозимларга, бир кредит уюшмаси ижро органи раҳбари бошқа кредит уюшмаси ижро органи раҳбарлигига, бир микрокредит ташкилоти ижро органи раҳбари бошқа микрокредит ташкилоти ижро органи раҳбарлигига тавсия этилганда уларнинг касбга мувофиқлиги Комиссия томонидан қайта кўриб чиқилади.

Банк филиали раҳбари ҳамда бош бухгалтери бир банк таркибида бошқа филиалга тенг лавозимларга ўтказилиши Бош банк тақдимномасига асосан Комиссиянинг суҳбат ва (ёки) тест синовига таклиф этилмасдан кўриб чиқилади.

7. Тижорат банклари, кредит уюшмалари ва микрокредит ташкилотлари

раҳбарлари эгаллаб турган лавозимидан озод этилиши масаласи тижорат банки Бошқаруви, кредит уюшмаси кенгаши ёки микрокредит ташкилоти муассис(-лар)и томонидан Комиссияни хабардор қилган ҳолда амалга оширилади.

Тижорат банклари, кредит уюшмалари ва микрокредит ташкилоти раҳбарлари эгаллаб турган лавозимидан озод этилганлиги тўғрисидаги буйруқдан кўчирма 3 иш кунидан кечиктирмасдан Марказий банкнинг Тижорат банклари раҳбар ходимларини танлаш ва улар билан ишлаш Бош бошқармасига етказилиши ҳамда ушбу ўринларга тайинлаш учун тавсия этилаётган номзодларнинг ҳужжатлари тижорат банклари томонидан 1-иловага, кредит уюшмалари ва микрокредит ташкилотлари томонидан 2-иловага мувофиқ 15 иш кунидан кечиктирмасдан Комиссияга кўриб чиқиш учун тақдим этилиши лозим.

8. Ушбу Низомнинг 4-бандида қайд этилган раҳбарлик лавозимлари бўйича бўш ўринлар 1 ой муддат ичида бутланиши шарт.

9. Тижорат банклари, кредит уюшмалари ва микрокредит ташкилотлари ушбу Низомнинг 7- ва 8-бандлари талабларига риоя қилмаган тақдирда, уларга нисбатан Марказий банк томонидан қуйидаги чоралар қўлланилиши мумкин:

тижорат банкларига ўрнатилган минимал устав капитали миқдорининг 0,01 фоизи миқдорида жарима солиш;

тижорат банкларида ушбу ҳолатлар қайта такрорланган тақдирда, банк филиалини ёпишгача бўлган чораларни кўриш;

кредит уюшмаси ёки микрокредит ташкилоти лизенциясини амал қилинишини тўхтатиб туриш, тугатиш ҳамда лицензиясини бекор қилишгача бўлган чораларни кўриш.

II. Малакага доир талаблар

10. Раҳбарлик лавозимига тавсия этилаётган номзод қуйидагиларни билиши лозим:

Тижорат банклари раҳбарлигига номзодлар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида ёритилган асосий масалалар моҳияти;

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва банк фаолиятига оид қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатлари ва бошқа меъёрий ҳужжатларни, шу жумладан:

фуқаролик, хўжалик ва меҳнат қонунчилиги;

банк ҳисоботларини тузиш тартиби;

ҳисоб-китоблар ва тўловларни амалга ошириш тартиби;

молиявий ҳисоботлар, бухгалтерия хисобининг миллий ва халқаро стандартлари банк ички кредит сиёсати ва кредитлаш тартиби;

кичик бизнесни кредитлаш тартиби;

омонатларни қабул қилиш ва уларни бериш тартиби;

банкни корпоратив бошқариш тартиби;

ички аудит вазифалари ва фаолияти;

эмиссия-касса операцияларини амалга ошириш тартиби;

чет эл валютаси билан боғлиқ операцияларни амалга ошириш тартиби;

пул муомаласини ташкил этиш масалалари;

Базел қўмитасининг банк фаолиятига оид асосий тамойиллари;

Республика банк тизимида олиб борилаётган кадрлар сиёсатининг моҳияти ва аҳамияти.

Кредит уюшмалари ва микрокредит ташкилотлари ижро органлари раҳбарлигига номзодлар:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, банк, кредит уюшмаси, микрокредит ташкилоти фаолиятига оид қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Палаталари қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатлари ва бошқа меъёрий ҳужжатларни, шу жумладан:

фуқаролик, хўжалик ва меҳнат қонунчилиги;

кредит уюшмаси, микрокредит ташкилоти ҳисоботларини тузиш тартиби;

ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби;

кредит сиёсати ва кредитлаш тартиби;

омонатларни қабул қилиш ва уларни бериш тартиби;

Республика банк тизимида олиб борилаётган кадрлар сиёсатининг моҳияти ва аҳамияти.

11. Тижорат банкларининг раҳбарлик лавозимларига тавсия этилаётган номзодлар олий иқтисодий маълумотга, банк тизимида етарли иш тажрибасига ва охирги иш жойидан тавсияга, кредит уюшмалари ва микрокредит ташкилотлари ижро органлари раҳбарлари лавозимига тавсия этилаётган номзодлар олий иқтисодий маълумотга, банк ёки молия соҳасида етарли иш тажрибасига эга бўлишлари лозим.

Агар тижорат банкларининг Бошқаруви аъзолигига банкнинг юридик хизмати раҳбари тавсия этилса, номзод олий юридик маълумотга ва банк тизимида етарли иш тажрибасига эга бўлиши лозим.

Тижорат банкларининг туман филиаллари раҳбарлари ҳамда бош бухгалтерлари лавозимларига истисно тариқасида банк ёки иқтисодий мутахассислик бўйича олий ўқув юртида таълим олаётган ноиқтисодий олий маълумотга эга бўлган номзодлар тавсия этилиши мумкин.

III. Номзоднинг касбга мувофиқлигини аниқлаш тартиби

12. Комиссия таркиби Марказий банк Раисининг буйруғи билан тасдиқланади. Комиссия таркибидаги ходимлар бошқа лавозимга ёки бошқа ишга ўтган тақдирда, улар ўрнига тайинланган ходимлар Комиссия таркибига киритилган ҳисобланади.

13. Комиссия йиғилиши ва қарорлари аъзоларининг учдан икки қисми иштирок этган тақдирдагина ҳақиқий ҳисобланади. Комиссия қарори унда иштирок этган аъзоларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг келиб қолганда, Комиссия раиси ҳал қилувчи овозга эга бўлади.

14. Комиссия раиси йўқлигида мажлисни унинг ўринбосари ўтказади.

15. Комиссия ишини ташкил этиш Тижорат банклари раҳбар ходимларини танлаш ва улар билан ишлаш Бош бошқармаси томонидан олиб борилади.

16. Тижорат банклари, кредит уюшмалари ва микрокредит ташкилотларининг раҳбарлик лавозимларига тавсия этилаётган номзодларнинг ҳужжатлари дастлаб тижорат банклари, кредит уюшмалари ва микрокредит ташкилотлари томонидан кўриб чиқилиб, сўнг Марказий банкка тақдим этилади. Тижорат банклари раҳбар ходимларини танлаш ва улар билан ишлаш Бош бошқармаси мазкур ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, сўнг Комиссиянинг барча аъзоларини таништириши лозим.

17. Тижорат банклари, кредит уюшмалари ва микрокредит ташкилотлари раҳбарлик лавозимга тавсия этилаётган номзодларнинг Комиссияга тақдим этилган ҳужжатларидаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги учун жавобгардирлар.

18. Комиссия тижорат банклари, кредит уюшмалари ва микрокредит ташкилотлари томонидан тақдим этилган номзодларнинг ҳужжатларини ушбу Низом талабларига мувофиқ ҳолда, 10 кун муддатда ўрганиб чиқади ва номзоднинг лавозимга мувофиқлигини аниқлаш масаласини ўзининг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритади.

Марказий банк зарурат туғилган ҳолларда, номзод тўғрисидаги маълумотларнинг тўғрилигини тасдиқлайдиган ахборотларни номзоднинг ўзидан, шунингдек тегишли ваколатли идоралардан суриштириб аниқлаши мумкин.

19. Тавсия этилаётган номзоднинг лавозимга мувофиқлиги Комиссия томонидан ўтказиладиган суҳбат ва (ёки) тест синови орқали аниқланади. Суҳбат ва (ёки) тест натижаларига кўра номзоднинг тавсия этилаётган лавозимга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисида қарор қабул қилинади ва мазкур қарордан кўчирма тижорат банклари, кредит уюшмалари ҳамда микрокредит ташкилотларига юборилади.

20. Фаолият кўрсатаётган тижорат банклари, кредит уюшмалари ва микрокредит ташкилотлари раҳбарлари лавозимига тавсия этилган номзодлар мувофиқ эмас деб топилганда, тижорат банки (банк Кенгаши), кредит уюшмаси ва микрокредит ташкилотлари томонидан Комиссия қароридан тегишли кўчирмани олганидан сўнг, 15 кун муддат ичида ушбу лавозимга бошқа малакали номзодлар тавсия этилиши лозим.

21. Тавсия этилаётган лавозимга мувофиқ эмас деб топилган номзодлар камида олти ой муддат ўтгандан сўнг ушбу Низомнинг 4-бандида кўрсатилган лавозимларга қайта тавсия этилиши мумкин.

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 24 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг раҳбар ходимларини аттестациядан ўтказиш тўғрисида» Ф-896-сонли фармойишига мувофиқ ҳолда ўтказиладиган аттестация якунлари бўйича эгаллаб турган лавозимига нолойиқ деб топилган тижорат банклари раҳбар ходимлари 3 йилдан сўнг раҳбарлик лавозимига қайта тавсия этилиши мумкин. Истисно тариқасида, аттестацияда эгаллаб турган лавозимига нолойиқ деб топилган раҳбарни аттестация санасидан 1 йил ўтгандан сўнг қуйидаги қўшимча ҳужжатлар тақдим этилган тақдирда раҳбарлик лавозимларига қайта тавсия этилишига рухсат берилади:

а) банк Бошқаруви раисининг тавсияномаси;

б) банк Кенгаши ёки Бошқарувининг камида икки-та аъзосининг фикрномаси;

в) ходимнинг ўтган вақт мобайнида иш фаолияти натижалари, малакаси, назарий ва амалий билимларини оширганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (агар шундай тавсиялар берилган бўлса).

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ ТОМОНИДАН ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ФИЛИАЛЛАРИ РАҲБАРЛАРИ, БОШ БУХГАЛТЕРЛАРИ, БОШҚАРУВ АЪЗОЛАРИ, КРЕДИТ УЮШМАЛАРИ ҲАМДА МИКРОКРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИ ИЖРО ОРГАНЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ЛАВОЗИМЛАРИГА ТАВСИЯ ЭТИЛАЁТГАН НОМЗОДЛАРГА НИСБАТАН МАЛАКА ТАЛАБЛАРИ ҚЎЙИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ»ГА 1-ИЛОВА

Тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари, бош бухгалтерлари ҳамда бошқарув аъзоларининг тижорат банки томонидан Комиссияга тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатлар РЎЙХАТИ:

Бош банк Бошқаруви тақдимномаси (Банк Кенгаши тақдимномаси);

сўровнома;

таржимаи ҳол;

ўқув юртини тугатганлиги тўғрисида диплом нусхаси (агар олий ўқув юртида ўқиётган бўлса – ўқиётган жойидан маълумотнома);

охирги иш жойидан тавсифнома;

тавсия этилаётган номзод билан Бош банкда ўтказилган суҳбат баённомаси;

6х4 ҳажмдаги 4 дона сурат;

номзоднинг иш фаолияти ҳақидаги маълумотнома;

номзоднинг иш фаолияти ҳақида касбдошлари томонидан билдирилган фикрнома ёки мулоҳазалар (Бош банк ва унинг вилоятлардаги бошқармалари раҳбарларига 5 та, бош бухгалтерларига 3 та ҳамда шаҳар ва туманлардаги филиаллар раҳбарларига ва бош бухгалтерларига 3 тадан кам бўлмаслиги керак);

турар жойидан маълумотнома ва тавсифнома.

Бундан ташқари, номзод шахсини тасдиқловчи ҳужжат, маълумоти тўғрисидаги диплом, меҳнат дафтарчаси ёки ўқиётганлигини тасдиқловчи синов дафтарчасининг асл нусхасини ўзи билан бирга олиб келиши шарт.

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ ТОМОНИДАН ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ФИЛИАЛЛАРИ РАҲБАРЛАРИ, БОШ БУХГАЛТЕРЛАРИ, БОШҚАРУВ АЪЗОЛАРИ, КРЕДИТ УЮШМАЛАРИ ҲАМДА МИКРОКРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИ ИЖРО ОРГАНЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ЛАВОЗИМЛАРИГА ТАВСИЯ ЭТИЛАЁТГАН НОМЗОДЛАРГА НИСБАТАН МАЛАКА ТАЛАБЛАРИ ҚЎЙИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ»ГА 2-ИЛОВА

Кредит уюшмалари ҳамда микрокредит ташкилотлари ижро органлари раҳбарларининг кредит уюшмалари ҳамда микрокредит ташкилотлари томонидан Комиссияга тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатлар РЎЙХАТИ:

кредит уюшмаси кенгаши ёки микрокредит ташкилоти муассис(лар)и тақдимномаси;

сўровнома;

таржимаи ҳол;

ўқув юртини тугатганлиги тўғрисида диплом нусхаси (агар олий ўқув юртида ўқиётган бўлса – ўқиётган жойидан маълумотнома);

охирги иш жойидан тавсифнома;

6х4 ҳажмдаги 4 дона сурат;

кредит уюшмаси ёки микрокредит ташкилоти томонидан тайёрланган номзоднинг иш фаолияти ҳақидаги маълумотнома;

номзоднинг иш фаолияти ҳақида касбдошлари томонидан билдирилган фикрнома ёки мулоҳазалар (5 тадан кам бўлмаслиги керак);

турар жойидан маълумотнома ва тавсифнома.

Бундан ташқари, номзод шахсини тасдиқловчи ҳужжат, маълумоти тўғрисидаги диплом, меҳнат дафтарчаси ёки ўқиётганлигини тасдиқловчи синов дафтарчасининг асл нусхасини ўзи билан бирга олиб келиши шарт.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ ҚАРОРИ

2006 йил 11 ноябр № 27-А/3 Тошкент ш.

МАРКАЗИЙ БАНКНИНГ 2006 ЙИЛ УЧУН ЙИЛЛИК МОЛИЯВИЙ, БУХГАЛТЕРИЯ ВА ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ КАССА ИЖРОСИ БЎЙИЧА ҲИСОБОТЛАРИНИ ТУЗИШ ТАРТИБИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунининг 17-моддасига асосан, Бухгалтерия ҳисоби, ҳисоботи ва Давлат бюджетининг касса ижроси департаменти ва Молия департаменти томонидан тайёрланган «Марказий банкнинг 2006 йил учун йиллик молиявий, бухгалтерия ва Давлат бюджетининг касса ижроси бўйича ҳисоботларини тузиш тартиби»ни кўриб чиқиб,

Бошқарув қарор қилади:

1. «Марказий банкнинг 2006 йил учун йиллик молиявий, бухгалтерия ва Давлат бюджетининг касса ижроси бўйича ҳисоботларини тузиш тартиби» иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Бухгалтерия ҳисоби, ҳисоботи ва Давлат бюджетининг касса ижроси департаменти (Д. А. Орипов)га «Марказий банкнинг 2006 йил учун йиллик молиявий, бухгалтерия ва Давлат бюджетининг касса ижроси бўйича ҳисоботларини тузиш тартиби»ни ўрнатилган тартибда Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармаларига етказиш мажбурияти юклатилсин.

3. Бухгалтерия ҳисоби, ҳисоботи ва Давлат бюджетининг касса ижроси департаменти (Д. А. Орипов) ва Молия департаменти (С. Аннақличев) Марказий банкнинг ҳудудий Бощ бошқармалари томонидан тақдим этиладиган йиллик молиявий, бухгалтерия ва Давлат бюджетининг касса ижроси бўйича ҳисоботларни белгиланган муддатларда қабул қилинишини ва уларнинг умумлаштирилишини таъминласинлар.

4. Ушбу Қарор ижросини назорат қилиш Марказий банк Раисининг ўринбосари Ф. Х. Боқиев зиммасига юклатилсин.

Марказий банк
Раиси **Ф. М. МУЛЛАЖОНОВ**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2006 йил 11 ноябрдаги 27-А/3-сонли Қарори билан тасдиқланган №645

МАРКАЗИЙ БАНКНИНГ 2006 ЙИЛ УЧУН ЙИЛЛИК МОЛИЯВИЙ, БУХГАЛТЕРИЯ ВА ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ КАССА ИЖРОСИ БЎЙИЧА ҲИСОБОТЛАРИНИ ТУЗИШ ТАРТИБИ

I. Йиллик бухгалтерия ҳисоботлари - Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармалари томонидан тузилади ва Марказий банкка қуйидаги таркибда тақдим қилинади:

1.1.Марказий банк ва вилоятдаги тижорат банклари бўйича йиғма йиллик баланс ҳисоботлари шакллари 1, 2, 3, 4-сонли иловаларда келтирилган тартибда Бухгалтерия ҳисоби, ҳисоботи ва давлат бюджетининг касса ижроси департаментига тақдим этилади;

1.2.Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот (0204 18 шакл) 5-сонли иловага мувофиқ Молия департаментига тақдим қилинади;

1.3.Банкнинг асосий воситалари ва йиғилган эскириш суммаси тўғрисидаги ҳисобот (С1804 FAD шакл) 6-сонли иловага мувофиқ Молия департаментига тақдим қилинади;

1.4.Асосий воситалар, хўжалик жиҳозлари ва бошқа моддий бойликлар инвентаризацияси далолатномалари (омбор бўйича алоҳида ва эксплуатация бўйича алоҳида) Молия департаментига тақдим қилинади;

(Давоми бор).

2006 йил 21 ноябрдан 27 ноябргача бўлган даврда АҚШ долларининг миллий валюталарга нисбатан курсидаги ўзгаришлар*



1 АҚШ доллари

Россия Федерацияси
22.11.2006 й.да - 26,65 росс. рубли
23.11.2006 й.да - 26,61 росс. рубли
24.11.2006 й.да - 26,56 росс. рубли

Украина
20.11.2006 й.да - 5,0500 гривна
22.11.2006 й.да - 5,0500 гривна
23.11.2006 й.да - 5,0500 гривна

Беларус Республикаси
21.11.2006 й.да - 2140,50 бел. рубли
22.11.2006 й.да - 2140,50 бел. рубли
23.11.2006 й.да - 2140,30 бел. рубли
24.11.2006 й.да - 2140,30 бел. рубли
27.11.2006 й.да - 2140,30 бел. рубли

Эстония
21.11.2006 й.да - 12,2001 крона
22.11.2006 й.да - 12,1592 крона
23.11.2006 й.да - 12,0720 крона
24.11.2006 й.да - 12,0627 крона
27.11.2006 й.да - 11,9121 крона

Латвия
21.11.2006 й.да - 0,5439 лат
22.11.2006 й.да - 0,5423 лат
23.11.2006 й.да - 0,5379 лат
24.11.2006 й.да - 0,5374 лат
27.11.2006 й.да - 0,5309 лат

Литва
21.11.2006 й.да - 2,6914 лит
22.11.2006 й.да - 2,6824 лит
23.11.2006 й.да - 2,6643 лит
24.11.2006 й.да - 2,6611 лит
27.11.2006 й.да - 2,6287 лит

Молдова
21.11.2006 й.да - 13,1800 лей
22.11.2006 й.да - 13,1750 лей
23.11.2006 й.да - 13,1850 лей
27.11.2006 й.да - 13,1750 лей

Қирғизистон Республикаси
25.11.2006 й.да - 38,8300 сом

Тожикистон Республикаси
28.10.2006 й.да - 3,3926 сомоний

Қозоғистон Республикаси
21.11.2006 й.да - 127,83 тенге
22.11.2006 й.да - 127,85 тенге
23.11.2006 й.да - 127,87 тенге
24.11.2006 й.да - 127,87 тенге
27.11.2006 й.да - 127,91 тенге

Швейцария
21.11.2006 й.да - 1,2424 швейц. франки
22.11.2006 й.да - 1,2385 швейц. франки
23.11.2006 й.да - 1,2235 швейц. франки
24.11.2006 й.да - 1,2228 швейц. франки
27.11.2006 й.да - 1,2058 швейц. франки

Япония
21.11.2006 й.да - 118,00 япон иенаси
22.11.2006 й.да - 117,60 япон иенаси
23.11.2006 й.да - 116,29 япон иенаси
24.11.2006 й.да - 116,28 япон иенаси
27.11.2006 й.да - 115,69 япон иенаси

1 Англия фунт стерлинги
Буюк Британия
21.11.2006 й.да - 1,8980 АҚШ долл.
22.11.2006 й.да - 1,9021 АҚШ долл.
23.11.2006 й.да - 1,9137 АҚШ долл.
24.11.2006 й.да - 1,9166 АҚШ долл.
27.11.2006 й.да - 1,9394 АҚШ долл.

1 евро
Евроминтақа
21.11.2006 й.да - 1,2823 АҚШ долл.
22.11.2006 й.да - 1,2864 АҚШ долл.
23.11.2006 й.да - 1,2957 АҚШ долл.
24.11.2006 й.да - 1,2967 АҚШ долл.
27.11.2006 й.да - 1,3131 АҚШ долл.

** Долларнинг мамлакатлар миллий валюталарига нисбатан курси марказий (миллий) банкларнинг расмий хабарлари ва «REUTERS» тизими маълумотлари асосида берилди.*

ТАДБИРКОРЛАР БАНКЛАР КЎМАГИГА ТАЯНИШМОҚДА

Мамлакатимизда хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишида Республика Марказий банкининг вилоят бошқармалари томонидан олиб борилаётган ишлар алоҳида аҳамиятлидир. Буни Марказий банкнинг Қашқадарё вилояти Бош бошқармаси фаолияти мисолида кўришимиз мумкин.

- Айни пайтда вилоятимиз миқёсида 13 та тижорат банки ва уларга қарашли 196 та мини-банк, 48 та махсус ва 40 га яқин кўчма кассалар фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, улар ҳудудимиз аҳолисининг узоғини яқин, оғирини енгил қилиб келмоқда,- дейди Марказий банк Қашқадарё вилояти Бош бошқармаси бошлиғи 1-ўринбосари Ғайрат Жовлиев. – Хусусан, бошқармамиз томонидан аҳолига сифатли банк хизматларини кўрсатиш борасида махсус дастурлар ишлаб чиқилиб, уларнинг банклардаги ижроси мунтазам равишда назорат қилиб борилмоқда. Бундай саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, айни пайтда вилоятимизда аҳолини нақд пул билан таъминлаб бориш ишлари намунадагидек кетмоқда.

Вилоят банклари қишлоқ хўжалиги тармоғини такомиллаштиришга катта эътибор қаратган бўлиб, жумладан улар томонидан пахта ва ғалла ҳосили харажатларини молиялаштириш учун имтиёзли кредитлар ажратилган. Жорий йилнинг 9 ойи давомида пахта ҳосили учун ажратилган кредитлар миқдори 54 млрд. 77,4 млн. сўм, ғалла ҳосилига йўналтирилган кредитлар эса, 10 млрд. 340,9 млн. сўмни ташкил этиб, улар минерал ўғитлар, кимёвий воситалар, нефт маҳсулотлари, уруғлик чигити, электр энергияси каби ҳосилни етиштириш билан боғлиқ харажатлар тўлови учун ишлатилган.

Шунингдек, банклар томонидан дебиторлик ва кредиторлик қарзларини камайтириш мақсадида ташкилотларга ҳукумат комиссиясининг 2000 йил 13 январдаги 2-сонли мажлис баённига мувофиқ, 2006 йилнинг 1 октябр ҳолатига жами 904,3 млн. сўмлик мақсадли кредитлар ажратилиб, 241,8 млн. сўмлик факторинг хизматлари кўрсатилди. Бунинг натижасида ўзаро қарзларни камайтириш борасида эришилган иқтисодий самара 3 млрд. 541,0 млн. сўмни ташкил этди.

Бундан ташқари, вилоят ҳудудида фаолият юритаётган кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш ишлари ҳам жадал суръатларда давом эттирилмоқда. Жорий йил 9 ойида мазкур тармоқ учун ажратилган кредитлар миқдори 14 млрд. 359 млн. сўм бўлиб, уларнинг 13 млрд. 358 млн. сўми банкларнинг ўз маблағлари ҳисобидан, қолган 1 млрд. 1 млн. сўми эса, бюджетдан ташқари фондларнинг кредит линиялари ҳисобидан йўналтирилган.

Бугунги кунда аҳоли учун банклар томонидан кўрсатилаётган молиявий кўмак, яъни берилаётган микрокредитлар ҳисобига тадбиркорлик субъектлари сони кун сайин ошиб бормоқда. Хусусан, Қашқадарё вилоят банклари томонидан ажратилган микрокредитлар ҳажми ўтган 2005 йилнинг шу даврига нисбатан 2,5 бараварга ошиб (4 млрд. 623 млн. сўм), уларнинг асосий қисми оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга, янги иш бошлаган тадбиркорларга бошланғич сармоя сифатида, шунингдек, аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришга қаратилган 1300 дан ортиқ лойиҳалар учун тақсимланган.

Вилоятда, жумладан, чорвачилик билан шуғулланувчи фермерлар сафи ҳам кенгайиб бормоқда. Бу тармоқни шакллантиришда субъектлар яна банкларнинг моддий кўмагига таянишмоқда. Вилоят банклари 2006 йилнинг 23 мартида Президентимиз томонидан қабул қилинган "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликлар фаолиятини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 308-сонли қарори талабларидан келиб чиқиб, ўз маблағлари ҳисобидан 2 млрд. 459 млн. сўм ҳамда Меҳнат бандлиги жамғармаси маблағлари ҳисобидан 609 млн. сўм миқдорида мақсадли кредитлар ажратди.

Умуман олганда, жорий йилнинг 9 ойи давомида Марказий банкнинг Қашқадарё вилоят Бош бошқармаси томонидан олиб борилган кредит сиёсати кўмагида ушбу ҳудудда 4215 та янги иш ўринлари яратилиб, жами 1 млрд. 724 млн. сўмлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқарилишига эришилди.

Гулшан ЮСУПОВА.

«ПАХТА БАНК»: ДАВР БИЛАН ҲАМНАФАС

Акциядорлик-тижорат «Пахта Банк»нинг Самарқанд вилоят бошқармаси минтақа бозорида деярли 11 йилдан бери ишлаб келмоқда. Бу вақт ичида банк мижозларнинг яқин шерик ва ёрдамчисига айланди. Ҳозирги вақтда 19 филиал ва 43 мини-банк 12 мингта хўжалик юритувчи субъектга банк хизматлари кўрсатмоқда. АТ «Пахта Банк» Самарқанд вилоят бошқармасининг бошлиғи Бадриддин НАСРИЕВ мухбиримизга Самарқанд банкчилари молия бозорининг янги шароитларида қандай ишлаётганлиги ҳақида сўзлаб берди.

Ҳозир айниқса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кредитлаш банк учун муҳим фаолият йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда. Аграр секторга оид лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Қишлоқ хўжалиги машиналари парки янгиланмоқда, қолаверса, банк ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, уруғчиликни ривожлантириш, пахта, сабзавот ва меваларни қайта ишлаш учун ҳам кўп миқдорда пул маблағлари ажратди. Берилган кредитларнинг умумий ҳажми 1 октябр ҳолатига 43,1 млрд. сўмни ташкил этди. Бу эса ўтган йилнинг шу давридагига қараганда 2,6 баравар кўпдир.

Чуноночи, энг йирик кредитлар «Агромашсервис» корхоналарига (2,7 млрд. сўм) ажратилди. Банк иштирокида улар учун «Клаас-Доминатор» туридаги ғалла ўриш комбайнлари сотиб олинди. Банкнинг ўз ресурслари ҳисобидан туман машина-трактор парки 14 та комбайн ва қишлоқ хўжалик экинлари қатор ораларига ишлов берадиган 67 та трактор сотиб олди. Лизинг асосида 83 дона трактор сотиб олинди. Бундан ташқари, кузги бошоқли дон ва пахта етиштириш учун имтиёзли кредит сифатида 21,9 млрд. сўм, шу жумладан дон учун 6,3 млрд. сўм, пахта етиштириш учун 5,6 млрд. сўм ажратилди.

Шу йилнинг 9 ойида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 5 млрд. 7 млн. сўм кредит ажратилди. Бу эса ўтган йилнинг шу давридагига қараганда 1 млрд. 390 млн. сўм кўпдир. Умуман олганда, кредитлар туфайли кичик корхоналар ўтган даврда 3700 дан ошиқ янги иш ўринлари очди. Банк шерикларининг сони кичик бизнес субъектлари ҳисобига ошиб бормоқда. Булар хусусий тадбиркорлар, фермер хўжаликларидир. Уларнинг улуши банк мижозлари умумий сонининг 60 фоизга яқинини ташкил этади. Фаолияти маҳаллий хом ашёдан товарлар ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган мижозлар ҳозирги вақтда банк кредит портфелининг кўпчилик қисмини фаол ўзлаштирмоқдалар.

Банкимиз ишида ҳар қайси мижозга алоҳида ёндашиш тамойили устунлик қилмоқда. Одамлар ўзлари учун мутлақо аниқ ва тушунарли бўлган нарсагагина ишонишларини доим эсда тутамиз. Шерикчилик муносабатларининг ривожланиши, мижозлар базасининг кенгайиши уларнинг ҳисобварақларидаги маблағлар ўсишини таъминлади. Масалан, омонатчиларимиз сони ҳозирги пайтда 20 мингдан ортиқ. Биз банкчилар буни ўзига хос ишонч барометри деб атаймиз. Бу омонатчилар банкимизга 5 млрд. 271 млн. сўмдан кўпроқ маблағ қўйишган бўлиб, бу ўтган йилги кўрсаткичдан 2,9 баравар кўпдир. Ана шу рақамлар бутун Самарқанд вилояти бўйича барқарор иқтисодий ўсиш кузатилаётганлигидан ҳам далолат беради.

«Пахта Банк» ўзининг депозит сиёсатини билимдонлик билан олиб бормоқда ва ватандошларимизнинг иқтисодиётга солинган сармояси уларга қўшимчаси билан қайтарилмоқда. Жозибадорлик ва юқори даражада даромадлилик ўз маблағларини айнан бизнинг банкимиздаги омонатларда сақлашни маъқул кўраётган аҳоли орасида қизиқиш тобора ўсишига ёрдам берди.

Шуни мамнуният билан айтишим мумкинки, банкимиз жалб этилган маблағларнинг мутлақ ҳажми бўйича вилоят молия муассасалари рейтингида етакчи ўринда туради.

Пул операцияларини сифатли, ишончли ва тез амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоблар тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ, банкимиз филиалининг ходимлари учун ҳам, корхоналар ва ташкилотлар учун ҳам иш ҳақи лойиҳаларини фаол жорий этиб келмоқдамиз. Ҳозирга қадар ҳаммаси бўлиб 51512 та сўм пластик карточкалари муомалага чиқарилди, 160 та терминал ўрнатилди. Шу йилнинг биргина 9 ойида пластик карточкалар воситасида 3,7 млрд. сўмдан кўпроқ миқдорда товар айланмаси амалга оширилди. Касса ҳисоб-китобларининг мана шу қулай варианти Самарқанд вилоятининг узоқ туманларида жойлашган супермаркетлар, сервис-марказлар, дорихоналар эътиборини ўзига тортмоқда.

Бизда куну тун ахборот алмашишни таъминлайдиган, 19 филиал ва 43 та мини-банкнинг фаолиятини оператив тарзда, аниқ бошқариш имконини берадиган анча тезкор ва ишончли корпоратив тармоқ яратилган. Замонавий дастурий воситалар жойлардаги бўлинмаларнинг оператив маълумотларини аниқ ишлаб чиқиш имконини бермоқда, филиалимиз фаолиятига доир маълумотлар банкини тайёрламоқда, ликвидлик кўрсаткичлари мониторингини ўтказмоқда. Янги «банк-мижоз» технологияси муваффақиятли амалга оширилмоқда.

АТ «Пахта Банк» вилоят бошқармасининг режали тарзда ва жўшқин ривожланишига мутахассисларимизнинг юксак маҳорати ва ишга ижодий муносабати замин яратиб берди.

Жипслашган билимдонлар жамоаси ҳар қандай ишда муваффақият гаровидир. Мен мижозларимизга, акциядорларимиз ва ишбилармон шерикларимизга ишончли шерик бўлган банкимизни қўллаб-қувватлаётганликлари ва унга ишонч билдираётганликлари учун миннатдорчилик изҳор қилмоқчиман. Шу билан бирга, «Банк ахборотномаси» ва «Банковские ведомости» газеталарининг ўқувчиларини яқинлашиб келаётган байрам – мамлакатимизнинг Конституцияси куни билан табриклайман ва ҳаммангизга энг яхши тилакларимни йўллайман.

Асатилло ҚУДРАТОВ ёзиб олди.

ИПОТЕКА КРЕДИТЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

Бугунги кунда аҳолининг уй-жойларга бўлган талаби республикамизда фаолият юритаётган барча тижорат банклар томонидан ўрганиб чиқилмоқда. Хусусан, "Ипотека банк" акциядорлик-тижорат ипотека банки бу борада махсус "Ипотека банк»ининг уй-жой қурилишини ривожлантириш бўйича дастури"ни ишлаб чиқиб, шу асосда тегишли ишларни амалга оширмоқда. Мазкур банк ипотека кредитлари бошқармасининг берган маълумотига кўра, жорий йилнинг 1 ноябр ҳолатига жисмоний шахслар учун банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан 5,2 млрд. сўм миқдорида ипотека кредитлари берилган.

Бундан ташқари, банк томонидан замонавий, тежамли ва айни пайтда бозорда талаб юқори бўлган қурилиш материалларини ишлаб чиқарувчи корхоналарга 14 млрд. 233 млн. сўмлик ҳамда қурилиш ташкилотларига 22 млрд. 797 млн. сўмлик кредит маблағлари ажратилди.

Ипотека кредити бўйича тушаётган аризаларнинг кўпчилиги мамлакатимизнинг Навоий ва Тошкент вилоятлари ҳамда пойтахтимиз аҳолиси ҳиссасига тўғри келмоқда. Буни ҳисобга олган "Ипотека банк" АТИБ бошқаруви республика минтақаларида банкнинг ихтисослаштирилган хизматларидан аҳолининг кенг миқёсда фойдаланиши учун филиаллар шохобчаларини ривожлантириб бормоқда. Айни пайтда банкнинг республика ҳудудида жами 38 та филиали ҳамда 146 та мини-банки ҳудудий мижозлар учун самарали банк хизматларини кўрсатиб келмоқда.

Шунингдек, банк томонидан ҳар бир вилоятнинг ўзига хос хусусиятини эътиборга олган ҳолда тайёрланган уй-жойларнинг лойиҳа сметаси асосида бугунги кунда барча вилоят туманларида фермерлар шаҳарчаларини яратиш бўйича дастур ишлаб чиқилди. Мазкур лойиҳа бўйича дастлабки иш Қашқадарё вилоятидаги туманлар миқёсида, жорий йилнинг 1 декабридан бошланиши кўзда тутилган.

"Ипотека банк" мамлакатда ипотека кредитини ривожлантиришга хорижий инвесторлар, жумладан, халқаро ва маҳаллий молия институтлари инвестициялари ва грантларини жалб этиш бўйича ҳам иш олиб бормоқда. Бу борада банк Халқаро Молия корпорацияси, KfW Германия банки, Жаҳон ҳамда Осиё тараққиёт банклари билан ҳамкорлик қилмоқда. Чунончи, яқинда Жаҳон банки вакиллари "Ипотека банк"ка ташриф буюриб, мамлакатимизда кучга кирган "Ипотека тўғрсида"ги Қонун билан танишиб чиқишди. Учрашув сўнгида меҳмонлар банкка узоқ муддатли ипотека кредити тизимини яратишда техник ёрдам кўрсатишга ва узоқ муддатга мўлжалланган инвестициялар жалб этишга оид таклифларни ўрганиб чиқишларини билдирдилар.

Назира МАВЛОНОВА.

КЎЧМАС МУЛККА ИНВЕСТИЦИЯЛАР ЖАЛБ ҚИЛИШ

Кўчмас мулкка маблағ сарфлаш инвестиция портфелини диверсификациялашнинг яхши усулидир. Қимматли қоғозларга қилинган инвестициялардан фарқли ўлароқ, кўчмас мулкка йўналтирилган инвестицияларнинг келтирадиган даромади кўчмас мулкни бошқариш билан боғлиқ қарорларга, яъни қанча ва қандай шартлар асосида ижара ҳақи олиш керак, таъмирлашга қанча маблағ керак бўлади, деган масалаларнинг ҳал қилишига боғлиқ.

Шу сабабли, кўчмас мулкка маблағ сарфлаш яхши харид ёки сотишгина эмас, балки мулкни яхши бошқара билиш ҳамдир. Мулк турлари:

1) шахсан фойдаланиладиган кўчмас мулк;

2) даромад келтирадиган кўчмас мулк;

3) спекулятив кўмас мулкдан иборат.

Хатар ва даромадлилик нуқтаи назаридан қараганда, пулни шахсан фойдаланиладиган кўчмас мулкка сарфлаш ҳаммадан кўра хавфсизроқ.

Даромад келтирадиган кўчмас мулк, масалан, ижарага олувчиларнинг пала-партишлиги туфайли ёки таклиф талабдан ошиб кетиши натижасида шахсан фойдаланиладиган кўчмас мулкка қараганда кўпроқ қадрсизланиши мумкин. Айни вақтда уйни ижарага беришдан олинадиган рента аҳоли сони ўсиб, уйларнинг нархи ошиб борган сари кўпайиб бораверади.

Спекулятив мақсадларда сотиб олинадиган кўчмас мулк катта фойда олишга имкон яратиш билан бирга кўп нарсани қўлдан бериш хавфини ҳам туғдиради, бу мавҳумлик даражасининг юқори бўлиши билан боғлиқ.

Кўчмас мулкни сотиб олиш ҳақида бир қарорга келишдан олдин ушбу кўчмас мулк ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиш (кўчмас мулкнинг ҳолати унинг нархига мувофиқлигига ишонч ҳосил қилиш) ҳамда унга бўлган мулк ҳуқуқларининг кўламини аниқлаш зарур (битим билимдон юрист томонидан расмийлаштирилиши керак).

Ривожланган молия тизимига эга бўлган мамлакатларда кредиторлар кўчмас мулк гаровига асосланган кўплаб молиявий воситаларни таклиф қиладилар. Кредиторлар ва қарз олувчилар ипотека қарзини қайтариш схемаларининг хилма-хиллигидан фойда кўрадилар:

- қатъий фоиз ставкасига эга бўлган ипотека, бунда қарз олувчи ўз мажбуриятларини аниқ билади;

- фоиз ставкаси ўзгариб турадиган ипотека, у кредит муддати мобайнида, пул бозори ставкаларининг ҳаракатини акс эттирган ҳолда маълум даражада ошиб ва камайиб туради;

- муддати камайтирилган ипотека (масалан, кредит муддати 30 йил ўрнига 15 йил қилиб белгиланади);

- ҳар ойлик тўловлар ўрнига ҳар икки ҳафтада тўлаб бориладиган ипотека, бу ҳам кредитни қайтариш муддатини қисқартиради;

- ошиб борадиган миқдорларда тўланадиган ипотека ва бошқалар.

Шахсий мулкка эгалик ҳуқуқи билан маблағ сарфлаш энг кўп таъминланган инвесторлар, кўчмас мулкка инвестиция киритувчи профессионаллар, шунингдек молия муассасалари томонидан амалга оширилади. Бу шаклнинг афзаллиги шахсий назоратнинг мавжуд бўлишидан, камчилиги эса йирик сармоя сарфлаш зарурлигидан иборат.

Шу сабабли кўпчилик майда инвесторлар кўчмас мулкка ўз маблағларини траст риэлторлик инвестиция фондлари орқали ёки кўчмас мулкни бошқариш бўйича ёпиқ турдаги шерикчилик воситасида амалга оширадилар.

Ўзбекистоннинг кўчмас мулк бозори кредитлар ва ипотека маблағлари ривожлана бошлайдиган янги босқичга қадам қўймоқда. Ипотека қимматли қоғозларининг имкониятлари ва йўналишлари ҳақида газетамизнинг навбатдаги сонида ўқишингиз мумкин.

Лола АБДУАЗИМОВА.



Ипотека кредити янги ҳамда долзарб банк хизмати бўлгани учун халқимиз орасида катта қизиқиш уйғотди ва, табиийки, кўплаб саволлар туғилишига сабаб бўлмоқда. Шуни инобатга олган ҳолда «Сўранг, жавоб берамиз» рукнининг илк сонини Ипотека кредитлари мавзуига бағишладик.

Ипотека кредити асосида уй-жой олмоқчи бўлган ҳамюртларимизни қизиқтирган саволларга «Ипотека банк» АТИБ Ипотека ва истеъмол кредитлари бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Адҳам ТОЖИХЎЖАЕВ жавоб беради.

Ипотека кредити ҳисобига олинган уй-жойни кредит маблағларини тўлиқ қайтармасдан туриб сотиш мумкинми?

☑ Йўқ. Чунки Ипотека кредитини расмийлаштириш жараёнида ушбу кредит ҳисобига олинган уй-жой Ўзбекистон Республикаси фуқаролик Кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикаси "Ипотека тўғрисида"ги ва "Гаров тўғрисида"ги Қонунлари асосида кредит таъминоти тариқасида гаровга қўйилади ва унга ҳисобланган фоиз тўловлари тўлиқ қайтарилмагунга қадар ушбу кўчмас мулк сотилиши тақиқланади.

Ипотека кредитини муддатидан олдин қайтариш мумкинми?

☑ Албатта, қарздор ўз хоҳишига кўра ипотека кредитини муддатидан аввал қайтариши мумкин.

Мен ишлаётган муассаса ипотека кредити бўйича тўланадиган ойлик тўловларимни ойлик иш ҳақимдан ушлаб қолиб, банкка тўлаб бориши мумкинми? Бунинг учун нима қилишим зарур?

☑ Ипотека кредити бўйича ҳар ойлик тўловларни сиз ишлаётган муассасанинг ўзи ойлик иш ҳақингиздан ушлаб қолиб ипотека кредити расмийлаштирилган банкда сизнинг номингизга очилган омонат ҳисоб рақамига ўтказиб бериши мумкин. Бунинг учун сиз фаолият кўрсатаётган ташкилот ёки муассаса раҳбари номига ёзма равишда мурожаат қилиб, кредит расмийлаштирилган банкнинг реквизитларини (аризангизда банк коди, омонат ҳисоб рақамингиз кўрсатилган бўлиши шарт) тақдим этишингиз лозим.

Ипотека кредити олишда менинг ойлик даромадларим етарли бўлмаганда, бирон-бир ташкилотнинг кафиллигини олиб тақдим этиш мумкинми? Мумкин бўлмаса кимларнинг ойлик даромадларини қўштириш лозим?

☑ Агарда сиз ипотека кредити ҳисобига уй-жой сотиб олмоқчи бўла туриб, ойлик даромадларингиз ушбу кредит бўйича ойлик тўланадиган тўловларга етарли бўлмаган тақдирда сиз ўзингиз билан битта манзилда яшовчи, кредит ва унинг фоизлари бўйича ойлик тўловларда иштирок этувчи ҳамда кредит бўйича биргаликда масъул бўладиган турмуш ўртоғингиз ёки бошқа яқин қариндошларингиздан биттаси алоқадор қарз олувчи шахс бўлиши мумкин.

Ипотека кредити тўлиқ расмийлаштириб бўлингандан сўнг кредитнинг фойдаланиш муддати тугагунча ёки кредит маблағлари тўлиқ қайтарилгунга қадар кредитга олинган уй-жой кимга тегишли бўлади ва коммунал тўловлар ким томонидан амалга оширилади?

☑ Ипотека кредити ҳисобига олинган уй-жой қарз олувчига тегишли бўлади. Ипотека кредитини расмийлаштириш жараёнида ушбу кредит ҳисобига олинган уй-жойни амалдаги қонунчиликка асосан, қарздор шахс ушбу уй-жойнинг асралишини таъминлаш, уни сақлаш ва муҳофаза қилиш ҳамда ушбу кўчмас мулк билан боғлиқ солиқлар, коммунал тўловлар бўйича қарзларни узиш учун харажатлар қилишга мажбур бўлади.

Менинг (расмий ва норасмий) даромадларимни қандай ва ким томонидан тасдиқлатиш лозим?

☑ Сиз фаолият кўрсатаётган иш жойингиздан тасдиқланган ойлик даромадларингиз тўғрисидаги маълумотнома ҳамда агарда бирон бир ташкилот акцияларига эга бўлиб, дивиденд тўловлари оладиган бўлсангиз, бу ҳақдаги маълумотномаларни тақдим этишингиз мумкин. Агарда сиз Қонунга зид бўлмаган бошқа даромад манбаларига эга бўлсангиз ва улар бўйича амалдаги солиқ ажратмаларини тўлаб келаётган бўлсангиз, у ҳолда ушбу даромадларингиз тўғрисидаги Солиқ идораси томонидан тасдиқланган декларация нусхасини тақдим этишингиз мумкин.

Ипотека кредити ҳисобига олинган уй-жой менинг номимга расмийлаштирилар экан, шу муносабат билан мен ушбу уй-жойга кимларни ва қайси тартибда рўйхатга қўйишим мумкин? Бу борада қандай чекланишлар мавжуд бўлади?

☑ Ипотека кредити шартнома асосида расмийлаштирилади ва ушбу шартнома шартларига асосан сотиб олинган уй-жой сизнинг номингизга ўтказилиб, ушбу уй-жойга фақат ўзингиз ва оила аъзоларингизни рўйхатга қўйишингиз мумкин.

Менинг ойлик даромадларим юқори бўлса ўз номимга бир нечта ипотека кредити олишим мумкинми?

☑ «Ипотека банк» АТИБ Бошқаруви томонидан 2005 йил 7 ноябрдаги 54/1 сонли қарори билан тасдиқланган «Жисмоний шахсларнинг уй-жой сотиб олишини ипотека кредитлашнинг вақтинчалик Низоми» талабларига кўра сизнинг ойлик даромадларингиз ипотека кредити ҳисобидан сотиб олинаётган уй-жойлар бўйича тўланадиган ойлик тўловларга нисбатан қўйилган талабларга жавоб берса, бир нечта ипотека кредитларини олишга ҳақлисиз.

Газетамизнинг доимий муштарийлари диққатига: Сизда ҳам банк ва молия соҳасига оид бирон бир савол туғилган бўлса, муҳарририятимизга хат ёзишингиз ёки қўнғироқ қилишингиз мумкин. Саволларингизга банк соҳасининг етакчи мутахассислари томонидан берилган жавобларни газетамиз саҳифаларида мунтазам бериб борамиз.

Кумуш ЖУМАЕВА тайёрлади.

АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН БАНК ТИЗИМИ ҚАНДАЙ ТАНЛАНАДИ?

Янги автоматлаштирилган банк тизими (АБТ)ни танлаш осон кечадиган жараён эмас. Унинг самарадорлиги банкда ахборот технологиялари (IT)ни ривожлантириш учун қандай стратегияга амал қилинаётганига боғлиқ. АБТ бозорининг ривожланиш истиқболлари қандай ва кредит ташкилоти АБТни танлашда хатога йўл қўймаслик учун нималар қилиши керак - "Банковское обозрение" экспертларининг шу борадаги мулоҳазалари билан танишинг.

Ҳозир банкларда мавжуд ахборот тизимларининг аксарият қисми банкнинг ўсиб бораётган бизнесини функционал ва технологик жиҳатдан қўллаб-қувватлай олмайди. Бу эса, уларни алмаштириш ёки модернизациялашни тақозо қилади. Жуда кучли рақобатчилик кураши шароитида банкдаги ахборот тизимлари шунчаки бухгалтерия ҳисобини юритиш ва Марказий банк учун ҳисобот тайёрлаш воситаси бўлибгина қолмасдан, кредит ташкилотининг бизнес стратегиясини қўллаб-қувватлашнинг асосий воситасига ҳам айланмоқда.

Шу туфайли банклар қабул қилинадиган қарорларнинг кўламига қўйиладиган талабларни кучайтирмоқдалар ва ўзлари ишлаб чиққан тизимларни ишлатишдан воз кечмоқдалар. Чунки бу тизимларни ишлаб чиқиш, кузатиб туриш ва янада ривожлантириш учун молиявий харажатлар ҳамда вақт сарфини анча камайтиради. Иккинчи томондан, бу жараён қонун талаблари тўхтовсиз ўсиб бораётганлиги билан боғлиқдир.

АБТ ТУРЛАРИ

Ҳозирда бозорда мавжуд автоматлаштирилган банк тизимлари турларига келсак, айтиш керакки, АБТ ишлаб чиқарувчилар бозор талабларини ҳисобга олиб, ё тўла функционал ечим бўлмиш "монолит" АБТни ёки ҳар қайсиси банк бизнесининг муайян вазифаларини бажарадиган алоҳида-алоҳида вертикал иловаларни таклиф қилмоқда. Бу ёндашувларнинг иккаласи ҳам ўз афзаллик ва камчиликларига эга.

Модулларни чуқур интеграциялашга асосланган "монолит" АБТ архитектураси, одатда, чакана маҳсулотларни автоматлаштириш учун функцияларни тез ишга солишга имкон бермайди ва муайян муддат ўтгачгина самара бера бошлайди. Қолаверса, бир вақтнинг ўзида деярли бутун ахборот инфратузилмасини алмаштириш банкдан жуда катта куч-ғайрат ва ресурс талаб қилади.

Яна бир ёндашув айрим банк операцияларини автоматлаштириш учун ихтисослаштирилган вертикал ечимларни сотиб олишдан иборат. Мисол учун, ҳозирда турли ишлаб чиқарувчиларнинг кредитлаш, ғазначилик операциялари ва шу каби функциялар учун ихтисослашган маҳсулотлари мавжуд.

Жаҳон банк амалиётида кенг қўлланилаётган тизимлардан фойдаланиш ҳам ўзига хос мураккабликка эга – бу тур АБТларда Россия банк секторининг ўзига хос хусусияти ҳисобга олинмаган бўлади.

Аммо, Россиядаги бир нечта ғоят йирик банк ҳозирнинг ўзидаёқ бундай АБТга ўтишни режалаштирмоқда, чунки келажакда комплекс АБТларни ишлаб чиқарувчи йирик фирмалар ўз маҳсулотларини Россия шароитига мослаштиради.

Россиялик автоматлаштирилган банк тизимларини ишлаб чиқувчилар ва етказиб берувчилар биринчи навбатда ўртача банкларни назарда тутган ҳолда вертикал интеграциялашган ўринларни излайдилар ва АБТларни жорий этиш ҳамда уларга эгалик қилиш баҳосини камайтирадилар. Бу эса чуқур ихтисослаштирилган маҳсулотлар яратиш имконини беради.

АБТ "нотўғри" танланганлиги тизимни жорий этишнинг охирги босқичларида ёки синов босқичидагина аниқланган бўлса, бундай танловнинг оқибатлари ўрта банклар учун ёмон бўлиши мумкин. Йирик банклар фаолиятига эса, АБТ нотўғри танланганлиги унчалик катта таъсир кўрсатмайди - улар ITни тўлиқ аутсорсинг асосида ривожлантириш стратегиясини ҳамма вақт қайта кўриб чиқа оладилар.

ҚАЙ БИРИ АФЗАЛ?

Экспертлар, банкларга АБТнинг энг оптимал вариантини қандай танлаш ҳақида маслаҳат берар эканлар, олдиндан оқ писанда қилиб қўядилар - улар банкларнинг ўзи мустақил ишлаб чиққан АБТ ёки ишлатилаётган "ўлик" тизимлар ҳақида эмас, балки саноат АБТлари ҳақида сўз юритадилар. Топ-10 туркумидан бўлган кўп филиалли банклар учун махсус ечимлар ҳам маълум сабабларга кўра эътиборга олинмайди. Бошқа ҳолларда эса, АБТ танлашга қуйидаги икки омил



асосий таъсир кўрсатади: биринчиси ишлаб чиқувчи фирманинг салоҳияти ва обрўси бўлса, иккинчи омил тизимни ишлаб чиқишга асос бўладиган платформани танлашдан иборат. Бу платформа кузатиб бориш доирасида таклиф қилинадиган хизматлар пакетининг параметрларидир.

Айнан мана шу омилларнинг аҳамияти, универсал банкларда саноат усулида фойдаланилаётган АБТларнинг деярли барчаси функционаллик нуқтаи назаридан тахминан бир хиллиги билан изоҳланади.

Шу ўринда "Самарадорлик – баҳо" кўрсаткичи бугунги кунда ниҳоятда долзарб эканини таъкидлаб ўтиш лозим. Зеро, 10-20 нафар одам ишлайдиган банк ёки филиал учун "оғир" тизимни сотиб олишнинг нима кераги бор?

Таклиф қилинаётган дастур-аппарат платформалари ва маълумот базаларини бошқариш тизимлари (МББТ) бўйича ҳам аҳвол шундай. Ишлаб чиқарувчилар МББТнинг бир неча вариантини ҳамда уларнинг кенг тарқалган сервер платформалари билан комбинациясини таклиф қилмоқдалар.

Банк учун энг яхши йўл "функционаллик – самарадорлик – баҳо" жиҳатидан оптимал бўлган ва иш жараёнида ўзини яхши томондан кўрсатган платформалардан бири асосида қурилган таниқли тизимни танлаб олишдан иборатдир. Иккинчи томондан, тизимни ишлаб чиқувчи компаниянинг узоқ муддат давомида банк учун ишончли шерик бўла олиш қобилияти, кредит ташкилотининг бизнесини ривожлантиришда ва кундалик вазифаларини ҳал қилишда манфаатдорлик билан қатнашишга тайёр бўлиши муҳим мезондир.

Банк бизнесини ривожлантиришнинг турли босқичларида АБТни танлаш хусусида банкларга турлича маслаҳатлар бериб келинди. Ҳозир энг долзарб маслаҳат битта – банк томонидан амал қилинаётган ва яқин 5-6 йилги ривожланиш стратегиясига мос бўла оладиган АБТни танлаш керак. Ахборот тизимлари тез эскириб қолади, шу боис банкнинг фақат бугунги кундаги кундалик эҳтиёжларига жавоб берадиган тизимни танлаб бўлмайди.

Ҳозир банкларни автоматлаштириш бозорларида брендлар уруши авж олиб кетди. Банк ечимларни етказиб берувчини танлаётган вақтида етказиб берувчи компания брендининг роли ғоят муҳим аҳамият касб эта бошлади. Муайян АБТ қанча инсталляцияга эгалигини, доимий ҳамкорингизга айланиши керак бўлган компания сизнинг банкингиз даражасидаги банклар билан ишлашда ва бизнес йўналишингиз бўйича қандай тажрибага эгалигини аниқланг, айниқса ғарбдаги етказиб берувчиларнинг ечимларини танлашдан олдин қайта-қайта ўйланг.

Фойдаланиш жараёнида кўрсатиладиган сервис хизмати ҳам муҳим масаладир. Қолаверса, бошқа банкларнинг бу тизимларни жорий этиш ва ишлатиш ҳақидаги фикрларини ҳам ўрганиш керак.

СТАТИСТИКАГА КЎРА...

Статистикага кўра, ҳозирги кунда Россиядаги етакчи банкларнинг кўпчилиги Россия АБТларидан фойдаланмоқда, банкларнинг тахминан 1/5 қисми эса ғарб тизимларини ишлатмоқда ёки ўз IT хизматлари ишлаб чиққан тизимларга таянмоқда. Шу билан бирга, ўзлари ишлаб чиққан АБТни россиялик етказиб берувчиларнинг "саноат" АБТларига алмаштириш тамойили кузатилмоқда. Бу ҳол нимани билдиради? Бу, энг аввало, банклар ўз IT хизматлари ишлаб чиққан тизимларнинг сифатидан қониқмаётганликлари ва номунтазам ишлаб чиқувчилар томонидан тиқиштирилаётган шартларга "боғланиб қолганликларини" билдиради. Ғарбда тайёрланган АБТлардан фойдаланиш масаласига келсак, мураккаб марказлашган тизимларни жорий этиш узоқ муддатга чўзилади, натижада анча вақт ўтганидан кейингина ушбу тизим конкрет банк талабларига қанчалик жавоб бериши ҳақида хулоса чиқариш мумкин. Бундан ташқари, ғарбда ишлаб чиқарилган ҳар қандай тизим бизнес юритишнинг миллий шароитларига мослаштирилиши керак ва, шунга мувофиқ, олинган натижа харажатлар ва жорий этиш вақти жиҳатидан банкнинг режаларига ҳам-мавақт ҳам тўғри келавермайди.

Стратегик бошқариш масаласи ҳам кўп филиалли банк учун долзарб масала бўлиб қолмоқда, чунки шунчаки катта банк бўлишнинг ўзи етарли эмас, кредит ташкилотини самарали бошқариш ҳам керак. Россия банклари бу борада банкдаги АБТ ёки у билан интеграцияланган таҳлилий тизим томонидан бериладиган бизнес-таҳлилга ва тахминий баҳоларга мувофиқ иш олиб бориш керак деган хулосага келмоқда.

Анча тўлиб қолган банк хизматлари бозорида сўнгги вақтда асосий эътибор чакана хизматларни кенгайтиришга қаратилмоқда. Шу муносабат билан, банклар дастурий таъминотчилардан ҳар қандай нуқтада мижозни банк маҳсулотларининг ҳамма зарур тўплами билан on-line режимида таъминлаш имконини берадиган универсал платформани ишлаб чиқишни кутмоқдалар. Чакана бизнесни самарали ривожлантириш учун тизимнинг тезкорлиги жуда катта аҳамиятга эга. Бундай тизим ҳеч бир муаммосиз кўпгина фронт-офислар (кассалар, кредит инспекторлари, интернет-банк, ахборот дўкончалари, пластик карталарга хизмат кўрсатиш терминаллари ва шу кабилар) ишини яхшилаш имконини берган бўлур эди. Бу фронт-офислар ягона "кириш нуқтаси" орқали мижозлар ва хизматлар ҳақидаги умумий маълумотлар базасига кира олади. Бундай ҳолларда қўшимча модуллар узвий равишда универсал платформа орқали АБТга уланади. АБТ иши реал вақт режимида ягона маълумотлар базаси билан ҳамкорлик қилиш асосида ташкил этилади.

Экспертлар мулоҳазаларидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ҳозирги вақтда янги АБТни жорий этишни режалаштирадиган Россия банки тўртта йўлдан бирини танлаб олиши мумкин. Биринчиси - тизимни мустақил ишлаб чиқиш. Иккинчи йўл - тайёр ечимни сотиб олиш ва етишмаётган модулларни мустақил ишлаб чиқиш. Учинчиси - кўпайтириладиган ечимни сотиб олиш ва уни банк ишига мослаштириш ва ниҳоят тўртинчи йўл - фақат "ўзига мос" тизимни ишлаб чиқишга буюртма бериш. Назаримизда, иккинчи ва учинчи йўл энг истиқболли йўллардир.

"Банковское обозрение" (№ 9, 2006 йил, сентябр) материаллари асосида.

ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ИНТЕРНЕТ-БАНКЛАРИ

Таниқли халқаро журнал Global Finance «Дунёдаги энг яхши Интернет-банк» танловининг бу йилги совриндорларини эълон қилди. Бу йил Австриянинг Райффайзен банк гуруҳи ва Райффайзен Централь-банк Остеррайх АГ бошчилигидаги РЦБ гуруҳининг 13 банки олий соврин билан мукофотланди.

Хусусан, «Райффайзенбанк Австрия» ЁАЖ «Россиядаги хусусий мижозлар учун энг яхши Интернет-банк» тоифаси бўйича иккинчи марта етакчи бўлмоқда. Бундан ташқари, Австрия Райффайзенбанк гуруҳининг банклари Марказий ва Шарқий Европанинг беш мамлакатида (Австрия, Болгария, Чехия, Венгрия ва Словакияда) «Хусусий мижозлар учун энг яхши Интернет-банк», шунингдек, «Корпоратив мижозлар ва молия институтлари учун энг яхши Интернет-банк» (Австрия, Босния ва Герцеговина, Хорватия, Сербияда) деб тан олинмоқда. РЦБ гуруҳи «Марказий ва Шарқий Европа минтақасидаги хусусий мижозлар учун энг яхши Интернет-банк» деб ҳам эътироф этилди.

Ғолиблар юқори даражадаги профессионал жюри томонидан танланади. Унинг таркибига Tata Infotex Groupнинг халқаро банк экспертлари ва Global Finance журналининг муҳаррирлари кирди. Ғолибларни танлаш чоғида кўплаб кўрсаткичлар ҳисобга олинади, улар орасида глобаллик ва Интернет-стратегияга амал қилиш; он-лайн-мижозлар сонининг кўпайиши; Интернет-операцияларни амалга оширишда позитив идрок ва қулайлик, сайтнинг дизайни ва функционаллиги бор. Танловнинг бу йилги ғолиблари Нью-Йорк шаҳрида ўтказилган тантанали мукофотлаш маросимида эълон қилинди.

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ФОРУМИ

Декабр ойининг бошларида Беларус пойтахти Минск шаҳрида анъанавий "Bank-IT06" Банк ахборот технологиялари форуми ўтказилади.

Тадбир банк соҳасига замонавий ахборот технологиялари (АТ)ни жорий этиш, банклар учун аталган махсус АТ-ечимларни кенг тарғиб қилиш ҳамда банк-молия соҳасида мавжуд ахборот тизимларини янги босқичга кўтариш масалаларига бағишланади.

Форум ишида таниқли халқаро консалтинг ва АТ компаниялари, МДҲ давлатлари банклари, шунингдек, "VISA" ва "MasterCard" компаниялари вакиллари иштирок этадилар. "Bank-IT06" иштирокчилари жаҳон молия бозоридаги бугунги ҳолат, миллий банк тизимлари ривожи, замонавий банклардаги бизнес-жараёнларнинг боришини таҳлил қилиб, банк-молия соҳасини янада ривожлантиришда замонавий ахборот технологияларининг ўрни хусусида фикр алмашадилар. Форум давомида замонавий технологиялар кўргазмаси ва молия-кредит ҳамда банк фаолиятига оид янги технологик ечимлар тақдимотини ўтказиш ҳам кўзда тутилган.

Ахборот ва статистика бўлими томонидан чет эл матбуоти материаллари асосида тайёрланди.

КАЛИЙ ЎЗИМИЗДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИ

«Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компанияси (ДАК) 2007 йил бошида Қашқадарё вилоятида баҳоси 72,3 млн. АҚШ долларини ташкил этадиган Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи қурилишининг бош пудратчисини танлаш бўйича тендер эълон қилишни режалаштирмоқда, деб хабар қилишди «Ўзкимёсаноат» ДАКдан.

Ҳозирги вақтда Хитойнинг CITIC Pacific Ltd. компанияси Хитой ҳукуматининг 500 минг АҚШ доллари миқдоридаги гранти маблағлари ҳисобидан лойиҳанинг техник-иқтисодий асосларини ишлаб чиқишни тугалламоқда.

Дастлабки маълумотларга қараганда, корхонанинг лойиҳа қуввати йилига тахминан 200 минг тонна калийли ўғитни ташкил этади. Қурилиш муддати – уч йил. Лойиҳа Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг 22,3 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маблағлари, шунингдек Хитойнинг 50 млн. АҚШ доллари миқдоридаги кредитлари ҳисобидан молияланади.

Заводни Қашқадарё вилоятининг Туркманистон билан чегарадаги Тойбоғатой калий тузлари кони негизида қуриш режалаштирилмоқда. Коннинг умумий саноат захиралари таркибида 36,8 фоиз хлорли калий бўлган 400,2 млн. тонна рудани ташкил этади. Ўзбекистон ҳудудида коннинг энг истиқболли қисми жойлашган бўлиб, унинг захиралари 200 млн. тонна рудани ташкил қилади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда калийли ўғитлар ишлаб чиқарилмайди ва улар асосан Россиядан импорт қилинади. Янги завод республиканинг калийли ўғитларга бўлган ички эҳтиёжини таъминлабгина қолмасдан, шу билан бирга уларни қисман Марказий Осиё мамлакатлари ва Хитойга ҳам экспорт қилиш имконини беради деб ҳисобланмоқда.

«Туркистон-пресс» НАА.

ИНДОНЕЗИЯЛИК ИШБИЛАРМОНЛАР ТАШРИФИ

Яқинда мамлакатимизга Индонезия Сармоявий иқлимни ривожлантириш вазирлиги (СИРВ) Индонезия компанияларини ривожлантириш департаменти директори Арлина Ардисасмита бошчилигида Индонезия Республикасининг сармоялар бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаши делегацияси ташриф буюрди.



Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳамда Индонезия давлатининг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур ташриф икки давлат ўртасидаги сармоявий салоҳиятни тадқиқ этиш ва икки томонлама ҳамкорлик муносабатларининг ҳозирги ҳолати ва истиқболларини муҳокама қилишга бағишланган.

Ушбу делегация таркибидан Индонезиянинг етакчи компаниялари аъзолари, жумладан, мебел, пойабзал ишлаб чиқариш, шунингдек, автомобил ва озиқ-овқат саноати соҳасида фаолият юритувчи бир қатор корхоналар вакиллари ўрин олган.

Умуман, мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро алоқалар мустаҳкам ҳуқуқий базага эга бўлиб, муносабатлар йилдан-йилга юқори суръатларда ривожланиб бормоқда. Жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги якунларига кўра, Ўзбекистон ва Индонезия ўртасидаги товар айланмаси ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 6,8 баробарга ошган ва 4 млн. 223,8 минг АҚШ долларини ташкил этган. Юртимизнинг ушбу мамлакат билан умумий савдо айланмасида экспортнинг ҳажми 94,8 минг АҚШ доллар, импорт 4 млн. 129 минг АҚШ долларига тенг.

Ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг Индонезияга қилган экспорти таркибида асосий ўринни хизмат кўрсатиш соҳаси ташкил этса, мамлакатимизга йўналтирилган импорт таркибида озиқ-овқат маҳсулотлари (34,8 фоиз), машина ва ускуналар (16,6 фоиз) ҳамда қора металл (6,1 фоиз) муҳим ўрин тутади.

Айни пайтда республикамизда Индонезия сармояси иштирокидаги телекоммуникация тармоғида маркетинг ва меҳмонхона хизмати соҳаларига ихтисослашган икки корхона фаолият юритмоқда.

Ишбилармонлар делегацияси ташрифи давомида томонларнинг савдо-иқтисодий ҳамкорликдаги имкониятлари билан яқиндан танишиш, муваффақиятли ва самарали алоқалар ўрнатишга қулай шарт-шароит яратиш мақсадида икки давлат ишбилармон доира вакиллари иштирокида бизнес-семинар ўтказилди.

Шунингдек, ташриф доирасида тадбиркорлар ўртасида тўғридан-тўғри шерикчилик муносабатларини ўрнатиш ва хорижий инвестицияларни жалб этиш орқали ишлаб чиқаришни ривожлантириш каби мақсадларда кооперацион биржа бўлиб ўтди.

Индонезия СИРВнинг Хорижий инвестициялар департаменти директори жаноб Сучиёнонинг таъкидлашича, ўзаро алоқаларни мустаҳкамловчи семинар ва кооперацион биржалар яқин келажакда Индонезияда ҳам ўтказилиши кўзда тутилган.

Юлдуз ЗОКИРОВА.

ИСПАНИЯ БАНКИ ХИТОЙ БАНКЛАРИНИНГ АКЦИЯЛАРИНИ СОТИБ ОЛМОҚДА

Катталиги жиҳатидан Испанияда иккинчи ўринда турадиган Banko Bilbao Vizckaya Argentaria (BBVA) SA банки Хитой давлат инвестиция компанияси — Citis Groupга қарашли икки бўлинма акцияларини сотиб олмоқда. Банк тарқатган хабарга кўра, BBVA China Citis Bank акцияларининг 5 фоизига 501 млн. евро тўлайди ва кейинчалик банк акцияларининг 9,9 фоизини сотиб олиш имконига эга бўлади. Яна BBVA Гонконгдаги Citis International Financial Holdings Ltd. акциядорлик сармоясининг 15 фоизига 488 млн. евро эвазига эгалик қилади.

«Бизни Хитой банкларининг сармоясидаги катта улушдан кўра кўпроқ келажакда ҳар томонлама ривожланиши мумкин бўлган стратегик альянс ташкил этиш кўпроқ қизиқтиряпти», - деб хабар қилди BBVA молия директори Мануэл Гонсалес Сид.

Хитой банкларининг акцияларини сотиб олиш BBVAга Испания банклари орасида биринчи бўлиб Хитой чакана банк хизматлари соҳасида каттагина ўринга эга бўлиш имконини беради. Эслатиб ўтамиз, BBVA Лотин Америкаси минтақасида ҳам ўз фаолиятини амалга оширмоқда.

BBVAнинг 2006 йил уч чорагидаги соф фойдаси бир йил аввал шунча вақт давомида олинган 914 млн. евро ўрнига 22,7 фоиз ўсиб, 1,12 млрд. еврога етди. Компаниянинг тушуми бундан бир йил олдинги 3,26 млрд. евро ўрнига 2006 йил III чорагида 14,7 фоиз кўпайди ва 3,74 млрд. евроні ташкил қилди.

MACQUARIE BANK ФАОЛИЯТ КЎЛАМИНИ КЕНГАЙТИРАДИ

Австралиянинг энг йирик авиакомпанияси Qantas Airways Ltd. Австралиядаги энг йирик инвестиция банки Macquarie Bank Ltd. ва Американинг инвестиция компанияси Texas Pacific Group томонидан ютиб юборилиш ҳақида таклиф олди. Qantas пресс-релизида айтилишича, «таклиф норасмий бўлиб, ҳозирги вақтда уни компания раҳбарияти кўриб чиқмоқда». Macquarie Bank вакиллари музокаралар олиб борилаётганлигини тасдиқладилар.

Qantas баёнотидан кейин компания акцияларининг баҳоси бир неча соат ичида 18 фоизга кўтарилиб кетди ва бу ҳол унинг капиталлашувини 10,2 млрд. Австралия долларигача (7,9 млрд. АҚШ доллари) кўпайтирди.

Австралия авиакомпанияси раҳбарлари ва акциядорларидан ютиб юборилишга розилик олган тақдирда Macquarie ва Texas Pacific ютиб юбориш учун давлатдан ҳам рухсат олишига тўғри келади, чунки ҳозирги вақтда Австралия ҳукумати белгилаб қўйган чекловларга мувофиқ, битта инвестор Qantas акцияларининг 25 фоизидан ортиғига, чет эллик инвесторлар гуруҳи эса акцияларнинг 49 фоиздан ортиғига эга бўла олмайди.

Чет эл матбуоти материаллари асосида.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ

- Молия ва кредит, Халқаро валюта-кредит муносабатлари, бухгалтерия ҳисоби, аудит ва бошқа мутахассисликлар бўйича олий иқтисодий маълумотга эга бўлган;
- чет тиллар (асосан инглиз тили)ни биладиган;
- банк тизимида камида 3 йил иш стажига эга бўлган;
- Тошкент шаҳрида доимий яшаш учун рўйхатдан ўтган

ИҚТИСОДЧИЛАРНИ танлов асосида

ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Мурожаат учун телефонлар: 112-60-65, 112-60-37

МАРКАЗИЙ БАНКНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИ БЎЙИЧА БОШ БОШҚАРМАСИ ЭЛЕКТРИКЛАРНИ ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Талабгорлар:

- *Олий ёки ўрта махсус техник маълумотга эга бўлишлари;*
- *Электрчи вазифасида камида 3 йиллик иш стажига эга бўлишлари;*
- *Тошкент шаҳрида доимий яшаш учун ҳисобдан ўтган бўлишлари керак.*

Қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилинсин:

112-62-72, 112-61-04, 112-62-91

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ–ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети

«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ

Тадбиркорликни ахборот билан қўллаб-қувватлаш "Заковат" ижтимоий жамғармаси

ТАҲРИР КЕНГАШИ:

Файзулла Муллажонов
(Таҳрир Кенгашининг раиси),
Қаҳрамон Рофиев
(Таҳрир Кенгашининг раис ўринбосари),
Равшан Охунов
(Таҳрир Кенгашининг масъул котиби),
Раҳмон Каримов
Абдураҳмат Боймуротов
Баҳодир Хўжаев
Михаил Перпер

БОШ МУҲАРРИР

Шавкат Назаров

БОСИШГА ТАЙЁРЛОВЧИ:

«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ

АХБОРОТ ХИЗМАТИ КЎРСАТУВЧИЛАР:

ЎзА, «Туркистон-пресс» НАА, «Иқтисодиёт ахборот агентлиги», «Бухоро-пресс» АА.

Реклама ва эълонлар учун
134-43-18
телефни орқали мурожаат қилинг.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
700000, Тошкент,
F. Мавлонов кўчаси, 1а-уй.
e-mail: bankingnews@tshtt.uz
www: finance.uz

Босилган материаллар муаллифларининг нуқтаи назари таҳририятнинг нуқтаи назарига мос келмаслиги мумкин. Рекламаларнинг мазмуни учун реклама берувчиларнинг ўзлари масъулдир.

Таҳририятнинг ёзма розилиги бўлганидагина, "БА"да эълон қилинган материалларни кўчириб босишга ижозат берилади.

Қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Ⓣ Материал тижорат асосида чоп этилмоқда.

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида ***137-тартиб рақами*** *билан рўйхатга олинган.*

Буюртма № Г-1304
Тираж 5108 нусха.
Босишга рухсат этилди
28.11.2006 й.

Газета таҳририят ускуналарида саҳифаланди. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. *Корхона манзили:* **Буюк Турон кўчаси, 41-уй.**
Босишга топширилди 29.11.2006 й. 9.00. 1 2 3 4 6